ГЕРМАНИЯ БИРЛАШГАН СОЦИАЛИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ VI СЪЕЗДИДА

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-йил чиқиши № 14 (12.367) | Пайшанба, 17 январь 1963 йил | Баҳоси 2 тийин.

БЕРЛИН, 16 январь. (ТАСС). Германия Бирлашган социалистик партиясининг VI съезди ўз ишини давом эттирмоқда. Бугун эрталабки мажлиснинг бошида КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари **Н. С. Хрушчевга** сўз берилди. Н. С. Хрушчев минбарга чиққанида съезд делегатлари ва меҳмонлари уни гулдурос давомли овация билан кутиб олдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. С. Хрушчев Германия Бирлашган социалистик партиясининг VI съездида сўзлаган ўз нутқининг охирида КПСС Марказий Комитетининг Германия Бирлашган социалистик партияси VI съездига юборган табригини ўқиб эшиттирди. Табрик зўр эътибор билан тингланди ва узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев съездга совға қилиб, Владимир Ильич Ленининг скульптура портретини тақдим этади. Залда қарсаклар янграйди. Ҳамма ўрнидан туради.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев В. Ульбрихт ва О. Гротеволь ўртоқларни самимий қучоғлаганида залда гулдурос қарсаклар яна кучайиб кетади.

ГЕРМАНИЯ БИРЛАШГАН СОЦИАЛИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ VI СЪЕЗДИГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети VI съезд делегатларини, Германия Бирлашган социалистик партиясининг ҳамма аъзоларини, Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларини совет коммунистлари ва бутун совет халқи номидан қизғин табриклайди ҳамда съездингизнинг муваффақиятли ишлашини тилайди.

Германия Бирлашган социалистик партиясининг олтинчи съезди партия ва мамлакат ҳаётидаги муҳим даврга якун ясамоқда. Германия Бирлашган социалистик партияси марксизм-ленинизм революцион назариясини изчиллик билан амалга ошира бориб, иқтисодий ва маданий қурилишда жуда катта муваффақиятларга эришди. Германия Демократик Республикасида социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам ҳукмрон бўлиб қолди. Германия Демократик Республикаси меҳнаткашлари ўзининг жанговар чиниққан авангарди раҳбарлигида ҳозир кенг авж олдирилган социализм қурилишини муваффақиятли амалга оширмоқдалар.

Германия Бирлашган социалистик партияси типчлик ва социализм ишига, миллатнинг туб манфаатларига ўзининг садоқати билан меҳнаткаш халқнинг юксак ҳурмати ва ишончига сазовор бўлмоқда. Германия Бирлашган социалистик партияси ўзининг куч-ғайратини биринчи ишчи-деҳқон герман давлатини бутун чоралар билан мустаҳкамлашга қаратиб, барча демократик партиялар ва оммавий ташкилотларни ватанпарварлик миллий фронтига жипслаштирди, уларнинг ягона, демократик, тинчликсевар Германия учун олиб бораётган курашига бош бўлди.

Германия Демократик Республикаси Европада тинчлик ва хавфсизликнинг муҳим қалъасидир, немис халқи барча прогрессив кучларининг ғарбий герман милитаризмига ва реваншизмига қарши, озодлик, демократия ва тинчликнинг ана шу энг ёвуз душманига қарши курашида уларнинг енгилмас таянчидир. Германия Демократик Республикаси халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик учун, Германия сулҳ шартномаси тузиш ва шу асосда Ғарбий Берлиндаги аҳволни нормаллаштириш учун, янги жаҳон урушининг олдини олиш учун курашмоқда.

Германия Бирлашган социалистик партияси халқаро коммунистик ҳаракатнинг жанговар отрядидир. У марксча-ленинча назариянинг поклигини изчиллик билан қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқда, пролетар интернационализми принциплари асосида социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш учун актив кураш олиб бормоқда. Германия Бирлашган социалистик партияси социализм ва коммунизм улуғ ишининг тантанаси учун, ревизионизм, догматизм ва сектантликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши олиб бораётган ўзининг кураши билан жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатида катта обрў қозонди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети барча совет коммунистларининг, бутун совет халқининг туйғуларини ифодалаб, Германия Бирлашган социалистик партиясига, барча немис коммунистларига ҳамда Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларига немислар элида — илмий коммунизмнинг улуғ асосчилари Карл Маркс ва Фридрих Энгельс ватанида социализм қуришда чин қалбдан янги катта муваффақиятлар тилайди.

Яшасин Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларининг синалган раҳбари — Германия Бирлашган социалистик партияси!

Яшасин совет ва немис халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

Бутун дунёда тинчликнинг мустаҳкам таянчи — социалистик мамлакатларнинг қудратли ҳамдўстлиги мустаҳкамлансин ва ривожлансин!

Яшасин улуғ ғолиб таълимотимиз — марксизм-ленинизм!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ СОСТАВИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисида Низом»нинг 36 ва 37- моддаларига асосан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси меҳнаткашлар жамоат ташкилотлари ва жамиятларининг қуйидаги вакилларидан иборат составда тасдиқлансин:

Марказий сайлов комиссиясининг раиси **Нуриддинов Сирож** — Ўзбекистон ССР Касаба союзлари советидан.

Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари **Аҳмедова Матбуа Амирсандовна** — Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзидан.

Марказий сайлов комиссиясининг секретари **Орлов Георгий Михайлович** — Маданият ходимлари касаба союзининг республика комитетидан.

САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Абдуллаева Меҳри — Тошкент тўқимачилик комбинати иккинчи тўқув фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Саматов Турсунбой — Андижон область, «Полвонтош» нефть конининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Ҳусанова Фавзия Мухтаровна — Медицина ходимлари касаба союзининг Самарқанд область комитетидан.

Налнвайко Александр Николаевич — Сурхондарё область, «Южсурханводстрой» қурилиш-монтаж бошқармасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Абибуллаева Боғдагул — Қорақалпоғистон АССР, Чимбой совхоз-колхоз ишлаб чиқариш бошқармасининг коммунистик ташкилотидан.

Нуъмонов (Яшин) Комил — Ўзбекистон Ёзувчилари союзидан.

Бобожонова Уллибиби — Хоразм область, Хева колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Карл Маркс номли колхоз аъзоларидан.

Юнусов Собир Юнусович — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг олимлари ва илмий ходимларидан.

Синдаров Қўзибоқар — Тошкент область, Сирдарё колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Ленинград» колхозининг аъзоларидан.

Сохацкий Владимир Евсеевич — Армия, авиация ва флотга ёрдам берувчи кўнгилли жамият (ДОСААФ) Республика комитетидан.

Иброҳимова Роза — Фарғона пиллакашлик фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Матирзоев Аҳмад — «Бухаранефтегазразведка» трестининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Ўзбекистон ССР Олий Сосети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри.
1963 йил, 16 январь.

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ

Азиз ўртоқлар, дўстлар!

Сизларга — Германия Бирлашган социалистик партияси VI съездининг делегатларига, партиянгизнинг ҳамма аъзоларига, Германия Демократик Республикасининг барча меҳнаткашларига, аввало, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг — Ленин партиясининг, бутун совет халқининг қизғин саломини топширишимга ижозат бергайсиз!

Сизларнинг съездингиз Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларининг V съезддан кейин ўтган тўрт йилдан кўпроқ вақт ичида социализм қуриш соҳасида қилган жуда катта ишларини якунлаб беради.

Ўртоқ Вальтер Ульбрихтнинг батафсил докладида сизларнинг ютуқларингиз чуқур таҳлил қилинди, социализм қуришни тугаллаш, Европада ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишида партиянинг энг муҳим вазифалари белгилаб берилди. Биз ишонамизки, сизларнинг съездингиз немис ишчилар синфининг социализм учун кураши тарихига шонли саҳифа ёзади, бутун социалистик системани янада мустаҳкамлаш, жаҳон коммунистик ҳаракатини ривожлантириш ишига ўзининг муҳим ҳиссасини қўшади.

Съезд партиянинг янги программасини қабул қилади, шу муносабат билан съездингизнинг аҳамияти янада ошади. Партиянинг янги программаси нималигини, уни тайёрлаш нақадар зўр куч ва ижодий иш талаб қилишини биз ўз тажрибамиздан яхши биламиз. Партиянгизнинг программасида социализм қуришнинг кўпгина проблемалари Германия шароитига татбиқан ҳамда халқаро тажрибани ҳисобга олиб ижодий ишлаб чиқилган, ҳозирги жаҳон тараққиётининг энг муҳим масалалари марксча-ленинча позициядан қараб кўриб чиқилган. Янги программа партиянгизнинг назарий жиҳатдан етуклигини кўрсатиб турибди.

Социалистик мамлакатлардаги қардош партияларнинг съездлари янги жамият қуриш тажрибаларини умумлаштирмоқ учун катта аҳамиятга эга. Сталин шахсига сиғиниш оқибатлари тугатилган ва айрим партияларда ҳам, халқаро коммунистик ҳаракатда ҳам ленинча нормалар тикланган кейинги даврда съездларнинг роли айниқса ошиб кетди.

Ҳозирги вақтда фақат миллий тажрибага таяниб турибгина, қўшниларнинг ишлари қандай бораётганлигига эътибор бермай, ўз синфдош қардошларимизнинг тажрибаларини жуда эътибор бериб ўрганмай, фақат ҳамма ишда ўз билимларимизгагина суяниб иш қиладиган бўлсак, социализм учун муваффақиятли равишда курашиб бўлмайди.

Коммунистларнинг интернационалист эканликлари яна шу нарсада ҳам намоён бўлмоқдаки, улар социалистик қурилишнинг коллектив тажрибасини ўрганишга ва бу тажрибадан фойдаланишга катта аҳамият бермоқдалар. Агар биз умумий ишимизни тезроқ ва яхшироқ қилишни истар эканмиз, бир-биримизнинг барча яхши тажрибаларимизни ҳамиша, систематик равишда ўзаро ўрганиб боришимиз ёки, бошқача қилиб айтганда, соатларимизни бир-биримизникига тўғрилаб туришимиз лозим.

Болгария, Венгрия ва Чехословакия қардош партияларни и н г якинда бўлиб ўтган съездлари социалистик қурилишнинг бутун бир босқичига якун ясади. Бу съездлар ўз мамлакатларидаги социализм қурилишининг конкрет масалаларини яккаланган ҳолда муҳокама қилмасдан, балки бутун жаҳон коммунистик ҳаракатининг умумий вазифалари билан чамбарчас боғлаб муҳокама қилдилар. Италия Коммунистик партиясининг яқинда бўлиб ўтган съездининг иши ҳам интернационализм руҳи билан суғорилган эди. Социалистик мамлакатларнинг коммунистлари сингари итальян коммунистлари ҳам ҳозирги даврнинг энг қизғин проблемаларини актив, ижодий ишлаб чиқдилар.

Бу съездларнинг ишида қардош партияларнинг кўпчиллигидан келган вакиллар қатнашганлиги шу съездларга халқаро коммунистик форумлар характерини берди. Съездлар халқаро ишчи ва коммунистик ҳаракатнинг жанговар кучлари тўхтовсиз ўсиб бораётганлигини кўрсатувчи яққол намойиш бўлди. Бу съездлар коммунистларнинг марксизм-ленинизм принципларига ниҳоят даражада содиқлигини, коммунистлар улуғ социалистик лагерни мустаҳкамлашга, тинчлик, демократия ва социализм учун курашда ўз сафларининг бирлигини мустаҳкамлашга қаттиқ бел боғлаганликларини кўрсатди.

Бошқа мамлакатларнинг коммунистлари каби Совет Иттифоқи коммунистлари ҳам социалистик ҳамдўстликни, унинг жаҳон миқёсидаги позицияларини ўз меҳнатлари билан, ўз курашлари билан ҳар томонлама мустаҳкамлашни, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатини мустаҳкамлаш ва жипслаштиришни энг муҳим вазифа деб билмоқдалар.

Совет Иттифоқи халқларининг коммунизм қуришда эришган ютуқларини сизларга, ўртоқлар, қисқача гапириб беришга ижозат этгайсиз.

Қирқ беш йил мобайнида Совет Иттифоқи тарихий тараққиётда катта йўл босиб ўтди. Сизлар шуни яхши биласизларки, ишчилар синфи большевиклар партиясининг раҳбарлигида ҳокимиятни ўз қўлига олган пайтда чор Россияси Европанинг энг тараққий этган мамлакатларидан ва Америка Қўшма Штатларидан иқтисодий соҳада анча орқада қолган мамлакат эди. Эндиликда Совет Иттифоқи қудратли социалистик давлат бўлиб қолди, саноат ишлаб чиқаришнинг даражаси жиҳатидан Европа мамлакатларини орқада қолдириб кетди ва капитализмнинг энг қудратли мамлакати бўлган Америка Қўшма Штатларини қувлаб, унга етиб олмоқда.

Илгари бизнинг иқтисодий юксалишимиз тез суръатлар билан бораётганлиги қайд қилинмоқчи бўлганида, совет халқи шаҳдам қадамлар билан олға бормоқда, дейишар эди. Эндиликда эса қатто шундай таққослаш ҳам бизнинг олға томон жадал бораётганлигимизни тўла равишда акс эттира олмай қолди. Биз саноат ишлаб чиқаришининг ҳажминигина тез кўпайтириб қолмасдан, шу билан бирга илмий-техника тараққиётининг янги чўққиларига кўтарилмоқдамиз. Космик кемалар қуриш учун қудратли саноат базаси, фан ва техниканинг юксак даражада бўлиши керак-ку, ахир. Космик кемалар мамлакатимизнинг индустрияси ва фан-техникаси ғоят юксалганлигидан далолат берувчи энг яхши кўрсаткичдир.

Улуғ Ленин бизнинг бутун мамлакатимизга электростанциялар шохобчалари билан ёппасига қопланган вақт келишини орзу қилган эди. Унинг васиятлари тўла равишда бажариладиган вақт энди жуда яқинлашиб қолди. Битта мисолни кўрсатиб ўтиш кифоя қилади. Фақат биргина Братск гидроэлектростанциясининг қ у в а т и мамлакатимизда 1948 йилда бўлган барча гидроэлектростанцияларнинг умумий қувватидан ошиқдир.

Биз XXI съездда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг етти йиллик планини қабул қилганимизда Ғарбда кўпгина кишилар бу планнинг реал план эканлигига ишонмаган эдилар. Бунга ишонмаган кишилар эндиликда тилларини тишлаб қолдилар. Етти йилликнинг тўрт йили ичида саноат маҳсулотининг ўсиши планда кўзда тутилган 39 процентни эмас, балки 45 процентни ташкил қилди. Агар ишимиз бундан буён ҳам мана шундай муваффақиятли бораверса, (биз ишимизнинг бундай боришига асло шубҳаланмаймиз), у ҳолда етти йилликнинг охирига бориб бизнинг саноатимиз ўз маҳсулотини 80 процент эмас, балки тахминан икки баравар кўпайтиради.

Қишлоқ хўжалиги ҳам ўз тараққиётининг суръатларини жадаллаштирмоқда, қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари мамлакатга ғалла, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни кўпроқ беришга интилмоқдалар. Совет Иттифоқи саноат ишлаб чиқаришида катта муваффақиятларга эришди-ю, аммо унинг қишлоқ хўжалигидаги ишлари юришмай турибди, деган гапларни Ғарбда кўп гапиришади. Бироқ, жаноб империалистлар бундай хом хаёллар билан ўзларини бехуда юпатмоқдалар. Фактлар уларнинг уйдирмаларини чиппакка чиқармоқда. Совет Иттифоқида дон ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кейинги ўн йил ичида бир ярим — икки баравар кўпайди.

Партия томонидан кўрилаётган чоралар, ҳеч шубҳасиз, шунга олиб келадики, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларимизнинг ҳаммасини яқин фурсатда тўла равишда мукаммал қондиришимизга аминмиз.

Бундан бир йил муқаддам бизнинг партиямиз XXII съездда янги Программани — мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини қабул қилди. Совет кишилари 1962 йилда яхши меҳнат қилишди. Ўн икки ой ичида улар урушдан олдинги беш йилликларда ишлаб чиқарилганига қараганда кўпроқ саноат маҳсулоти ишлаб чиқардилар. Бошқача сўз билан айтганда, ҳозирги вақтда саноат тараққиётининг бир йили урушдан олдинги тахминан ўн уч йилга тенг келадиган бўлиб қолди.

Совет кишилари ўз муваффақиятлари билан фахрланадилар, лекин шу билан бирга, улар коммунизм йўлидан яна қандай қилиб тезроқ олга боришни, қилинаётган сарфларнинг ўзи билан қандай қилиб кўпроқ ва яхшироқ натижаларга эришишни тинмай ўйламоқдалар.

Бизнинг партиямиз, унинг Марказий Комитети ўзининг бутун фаолиятида Владимир Ильич Ленининг, ҳокимият қўлга олингандан кейин социализм асосида экономикани ривожлантириш, халқ хўжалигига раҳбарлик қилиш асосий вазифа бўлиб қолади, деган кўрсатмаларига амал қилмоқда. В. И. Ленин, бу сиёсат биз учун энг мароқли сиёсат эканлигини қайта-қайта уқтириб ўтган эди. Биз, марксистлар шу нарсадан кўз юма олмаймизки, экономика ўсиб бораётганлиги, унинг структураси ўзгариб бораётганлиги биздан халқ хўжалигига ғоят пухта раҳбарлик қилишни талаб этади. Экономикамиз кўп тармоқли бўлиб қолган, юксак даражада ривожланган, ўзининг тузилиш жиҳатидан мураккаб бўлган мингминглаб саноат корхоналарида, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқаришни планлаштириб ва координация қилиб туришимиз лозим бўлган ҳозирги вақтда турмуш бизни халқ хўжалигига партия раҳбарлигининг методларини замоннинг талабига мувофиқ ҳамиша такомиллаштириб боришимизга мажбур қилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми халқ хўжалигига раҳбарликни янада яхшилашга қаратилган муҳим қарорлар қабул қилди. Биз партия ташкилотларини ва уларнинг раҳбарлик органларини ишлаб чиқариш принципи асосида қайта қуриш билан халқ хўжалигига партия раҳбарлигини муайян мақсадга қаратилган, янада малакали ва конкрет қилишга, бу раҳбарликни корхоналарга, қурилишларга, колхозларга ва совхозларга яқинлаштиришга интилмоқдамиз. Пленум қарорларининг амалга оширилиши ишлаб чиқарувчи кучларни янада зўр куч билан ривожлантирмоқ учун тағин ҳам қулай шарт-шароит вужудга келтиради, капитализм билан иқтисодий мусобақада социализмнинг ғалабасини яқинлаштиради.

Бизнинг партиямизнинг бутун фаолияти халқнинг турмуш даражасини оширишга қаратилган. Бизнинг Программамизда «ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» деб таъкидланган. Етти йилликнинг тўрт йили мобайнида бизнинг мамлакатимизда миллий даромад 31 процент ошди. Шу вақт ичида совет гражданларидан эллик миллиондан кўпроқ киши янги квартираларга кўчиб кирди.

Совет Иттифоқининг халқ маорифи, мутахассислар тайёрлаш соҳасидаги, фанни ва социалистик маданиятни ривожлантиришдаги муваффақиятлари ҳаммага маълум. Мен сизларга баъзи бир рақамларни айтиб бераман ва бу рақамлар сизларга қуруқ ҳамда зериктирадиган рақамлар бўлиб кўринмаслигига ишонаман. Бизнинг мамлакатимизда мактабларда 42 миллион киши ўқимоқда, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида беш ярим миллионга яқин студент ўқиб турибди. Фақат инженерларни олганимизда, биз ҳар йили 120 минг кишидан кўпроқ инженер тайёрлаб чиқармоқдамиз. Бизнинг ижодкор интеллигенциямиз социалистик маданият байроғини баланд кўтариб бормоқда.

Азиз ўртоқлар! Германия ерида социализм қураётган сизларга совет кишиларининг ижодий меҳнатдан олаётган завқи яқин ва тушунарлидир. Социалистик жамият меҳнаткашлари ўз меҳнатларининг самараларига ҳам, шунингдек ўз дўстларининг, ўз синфдош қардошларининг меҳнати самараларига ҳам баҳо берганларида ҳамиша табиий равишда фахрланадилар. Германия Демократик Республикасида ҳам ишлар яхши бораётганлиги бизга ёқимлидир!

Урушдан олдинги Германия территориясининг тўртдан бир қисмидан камроғини ташкил қилган республикангизнинг территориясида 1961 йилнинг охирида бутун Германияда 1936 йилда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажмининг тахминан 90 процентига тенг келадиган маҳсулот ишлаб чиқариш даражасига эришилди. Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашлари катта социал ғалабаларга эришдилар. Ўртоқ Ульбрихтнинг докладида сизларнинг муваффақиятларингиз батафсил айтиб ўтилди, шу сабабли мен Германия ишчи-деҳқонлар давлати ўсиб бораётганлигини, муваффақиятли ривожланиб ва мустаҳкамланиб бораётганлигини яққол кўрсатувчи ёрқин рақамларни бу ерда такрорлаб ўтирмайман.

Сизларнинг ажойиб шоирингиз Бехернинг Германия Демократик Республикасига бағишланган сўзларини сизлар билан бирга бугун эслаб ўтмоқчиман:

«Бундай давлат асло ўлмайди!
Унинг мавжудлиги эмас афсона.
Одил идеялар кучи унда
яшайди,
Унинг мазмунидир одамлар
иши.
Эзгу ва адолат унинг қилмиши.
Омон бўлсин давлатимиз, доим
яшнайди!».

Бу сатрлар республикангизнинг ишчилари ва деҳқонларигина эмас, шу билан бирга, республикангиз интеллигенциясининг йирик намояндалари ҳам сизларнинг ерингизда рўй бераётган социал ўзгаришларни зўр эҳтирос билан қизғин равишда қувватлаётганликларини яхши кўрсатиб турибди. Германия Демократик Республикаси интеллигенциясининг бу ҳалол ва мардонавор овози айниқса буржуазия идеологларига хуш келмаса керак, чунки улар Германия Демократик Республикасидаги адабиёт ва санъат арбобларининг майда буржуазия муросачилари йўлидан боришини, мамлакатингиздаги ёзувчилар, рассомлар, композиторлар, кино санъати арбобларининг асарлари унчалик ўткир бўлмаслигини, унчалик муайян ва аниқ бўлмаслигини истайдилар. Улар мамлакатингиздаги ижодкор интеллигенциянинг қиёфасини социалистик реализмнинг ажойиб қонунлари эмас, балки ҳар қандай абстракт ажи-бужилар белгилаб беришини истайдилар, албатта.

Шу жиҳатдан қараганда, сизларнинг ёзувчиларингиз ва рассомларингиз айниқса ҳушёр бўлишлари, зулм, спекуляция ва пулпарастлик дунёси сизлар билан ёнма-ён турганлигини унутмасликлари, телевидение, радио орқали сизларга ўз таъсирини ўтказишга интилаётганлигини ва ўзининг разил ишини қилиш ниятида эканлигини унутмасликлари керак.

Сизларга маълумки, яқинда бизнинг партиямиз Марказий Комитети совет ижодкор интеллигенциясининг намояндалари билан учрашув ўтказди. Сизларнинг съездингиздан кейин тез орада биз ажойиб ёзувчиларимиз, рассомларимиз, композиторларимиз, кино, театр арбобларимиз билан яна бир марта учрашсак керак. Буни сизларга айтиш билан катта сирни очиб ўйғимадим, деб ўйлайман. Коммунистик партиялар идеология соҳасида тинч-тотув яшашга асло рози бўлмайдилар. В. И. Ленин бизга васият қилиб айтганидек, биз адабиёт ва санъат масалаларида партиявийлик ва халқчиллик учун ҳамиша актив кураш олиб борамиз ва кураша борамиз, чинакам халқ адабиёти ва санъати фақат коммунистик ва ишчи партиялар раҳбарлигида ўсиши ва ривожланиши мумкин. Бизнинг санъатимиз ва адабиётимиз одамлар орасида ғўзалликни барқарор қилиши учун халқнинг коммунизм қуришига ёрдамлашуви учун курашаверамиз.

Немис халқининг улуғ фарзандлари Карл Маркс ва Фридрих Энгельс биринчи марта ишлаб чиққан илмий социализм идеялари ҳозирги кунда немислар юртида ҳам турмушга сингиб бораётганлигини кўриб биз, коммунистлар қувонамиз. Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашлари специфик шароитда социализмга ўтмоқдалар. Сизларнинг республикангизда социалистик жамият барпо қилинаётганлигининг жуда катта халқаро аҳамияти бор.

Эски Германия юксак даражада ривожланган капиталистик мамлакат эди, у фақат Европадагина эмас, бутун дунёда ҳам биринчи мамлакатларнинг бири эди. Гарчи Германиянинг ҳозирча бир қисмида бўлса ҳам ана шу Германияда халқ муваффақияти билан социализм қураётганлиги марксизм-ленинизм идеяларининг улуғ тантанасини кўрсатувчи фактдир.

Социализмнинг Германия Демократик Республикасидаги ғалабаси — энг аччиқ реакция ва милитаризмнинг яқиндагина маркази бўлиб келган мамлакатнинг бир қисмида янги тузумнинг эришган ғалабасидир. Империализмнинг энг ёмон, энг зулмат жиҳатларини гитлерчилар Германияси ўзида гавдалантирган эди. Гитлерчилар немис халқининг онгини урушқоқ миллатчилик заҳари билан зўр бериб заҳарлаган эдилар.

Республикангизнинг ишчи ва деҳқонлари, халқ интеллигенцияси эндиликда социалистик халқларнинг қардош оиласида туриб, улар билан ҳамкорлик қилиб, янги турмуш қураётганлиги сизларнинг марксчи-ленинчи партиянгиз немис халқини социалистик руҳда тарбиялашда катта муваффақиятларга эришганлигини кўрсатувчи фактдир.

Мамлакатнинг социал тузуми турлича бўлган икки давлатга парчаланганлиги Германия Демократик Республикасидаги социалистик қурилишнинг қийинчиликларини кўпайтириб юборди. Бу эса партиядан янги жамият қуришнинг кўпгина масалаларини айниқса пухталик ва усталик билан ҳал қилишни талаб этади. Янги Германиянинг душманлари немис ишчи-деҳқон давлатининг мустаҳкамлигини заифлантиришга, унинг обрўйига ташқи сиёсат соҳасида ҳам, мамлакатнинг ичкарисида ҳам путур етказишга уриниб келдилар ва уринмоқдалар. Республикада синфий кураш кўпинча ўткир формаларда намоён бўлмоқда. Лекин сизларнинг партиянгиз миллион-миллион меҳнаткашларни янги турмуш учун курашга сафарбар қила олди. У, аввало ишчилар синфига таяниб, барча ватанпарвар, прогрессив, демократик кучларнинг кенг фронтини вужудга келтирди ва мустаҳкамлади, уларни социалистик йўлдан бошлаб бормоқда.

Ғарбий Германияда Германия Демократик Республикасини ҳарбий йўл билан Германия Федератив Республикасига «қўшиб олиш» планларини ҳанузгача ўйлаб юрган бетамиз кишилар бор. Лекин социалистик давлатлар улуғ ҳамдўстлигининг аъзоси бўлган янги Германия мустаҳкамланмоқда ва гуллаб-яшнамоқда. Германия Демократик Республикасида социализм қурилиши — ижтимоий тараққиётнинг, немис халқи ўзининг порлоқ келажаги учун олиб бораётган курашининг муқаррар, табиий натижасидир.

Республикангизнинг саноатни ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги иқтисодий ютуқлари — барча сиёсий партияларни ва оммавий ташкилотларни битта миллий фронт қилиб бирлаштира олган Германия Бирлашган социалистик партияси ўтказаётган тўғри сиёсатнинг натижасидир, бу миллий фронт меҳнаткашларнинг манфаатлари учун, социализм учун курашмоқда. Сизларнинг партиянгиз халқни мамлакат парчаланганлиги натижасида тушган қийинчиликларни енгишга отлантирди, уларнинг куч ва ғайратини Совет Иттифоқи билан ва бошқа социалистик давлатлар билан алоқаларни ва ҳамкорликни кенгайтиришга йўллади. Деҳқон хўжаликларини кооперативларга уюштириш соҳасида партиянгиз амалга оширган катта иш айниқса диққатга сазовордир. Бу — социалистик қурилишнинг энг қийин вазифаларидан биридир. Немис ўртоқлар бу вазифани ҳам муваффақият билан бажардилар.

Ўртоқлар! Мен бу ерда ўртоқ Ульбрихтнинг докладини тинглаётганимда унинг докладида меҳнат унумдорлигини ошириш вазифаси ҳақида айтилган гаплар менинг эътиборимни жалб қилди. Агар мен ҳам ўз нутқимда республикангизнинг хўжалик ҳаётидаги мана шу жуда муҳим масалага тўхталиб ўтсам, сизлар менинг фикримни тўғри тушунасиз деб ўйлайман.

Яширмасдан шуни айтишим керакки, Германия Бирлашган социалистик партиясининг VI съезди меҳнат унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор бераётганлиги бизнинг делегациямизни хурсанд қилди. Бизнинг фикримизча, бошқа социалистик мамлакатларнинг ҳаммасида бўлгани каби сизнинг республикангизда ҳам бу проблемани ҳал қилиш энг биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган вазифадир.

Ҳаммага маълумки, Германия Демократик Республикасининг хўжалиги Ғарбий Германия билан иқтисодий мусобақа белгиси остида ривожланмоқда. Меҳнат унумдорлигини тағин ҳам оширишни таъминлаш, яъни биринчи навбатда мана шу соҳада Ғарбий Германиядан ўзиб кетиш эса бу мусобақадаги энг асосий вазифадир, албатта. Сизлар қозирча бу соҳада ўз мусобақадошингиздан ҳали орқада бораётганлигингизни назарда тутиб, мен «ўзиб кетиш» тўғрисида гапираётирман. Сиз, немис ўртоқлар, буни биздан кўра яхшироқ биласиз.

Германия Демократик Республикасининг хўжалик тараққиёти учун ўтган йил кўп жиҳатдан бурилиш йили бўлди. Сизларнинг энг самимий дўстларингиз бўлганлигимиз учун биз саноатда меҳнат унумдорлиги бир йил ичида қариб 9 процент ошганлигига, шу билан бирга, меҳнат унумдорлигининг ўсиши билан иш ҳақининг ўсиши ўртасида, шунингдек аҳолини таъминлаш учун керакли товар фонди билан аҳолининг харид қобилияти ўртасида тўғри нисбат ўрнатилаётганлигига хурсанд бўлмоқдамиз. Қишлоқ хўжалигида ҳам ишлар анча яхши бораётганлиги жуда қувончлидир. Агар сизлар бундан буён ҳам немисларга хос мана шундай сабот билан ишлаб, меҳнатни социалистик асосда ташкил қила берсангиз, мамлакат экономикаси тағин ҳам тез ўсаверади.

Германия Демократик Республикасининг ишчилар синфи Германия Бирлашган социалистик партиясининг ва ўз ҳукуматининг раҳбарлигида тағин ҳам катта ғалабаларни қўлга киритишига аминмиз. Сизларнинг меҳнатдаги муваффақиятларингиз бутун немис халқи учун ўрнак бўлади ва бу муваффақиятлар Германия Демократик Республикасининг ичидаги кучларни жипслаштирувчи куч бўлибгина қолмасдан, шу билан бирга Ғарбий Германиянинг ишчилар синфини ва бутун меҳнаткаш халқини ҳам ўзига тортувчи куч бўлиб қолади.

Ғарб чап томондами ёки ўнг томондами?

Овозлар: Сизнинг ўнг томонингизда, ўртоқ Хрушчев!

Н. С. Хрушчев: Германия эса шу ерда!

Германиянинг келажагига шу ерда, шу залда асос солинмоқда! Немис халқининг борадиган йўлига шу ерда асос солинмоқда, герман ишчилар синфининг, Германия Демократик Республикасининг кучи ҳам ана шунда. Ғарбий Германияда қандай кучлар бунга тўсқинлик қилмасин, бутун герман халқи Маркс-Энгельс-Ленин байроғи остида сизлар бораётган йўлдан боради.

(Давоми иккинчи бетда).

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ

(Боши биринчи бетда).

Ғарбдагилар Хрушчев Германия Демократик Республикасини немис халқини қайта бирлаштириш учун курашга даъват этяпти, дейишлари мумкин. Менинг бунга даъват этишимнинг кераги йўқ, буни немисларнинг ўзлари ҳам билади, ҳозирча буни билмаган немислар эса шуни тушуниб оладиларки, немис халқини қайта бирлаштириш Ғарбий Германия монополистлари ва улар билан бирга бошқа мамлакатларнинг монополистлари ўйлаган асосда амалга оширилмайди. Йўқ, жаноблар! Даврингиз ўтиб кетган. Эндиликда янги куч қўлга киритилиб чиқди, ишчилар синфи қўтарилиб чиқди ва ҳозирдаёқ немислар ўртида, Германия Демократик Республикаси тупроғида меҳнаткаш халқ қизил байроқни қўлига олиб, бу ғалабани қўлга киритган Германия Демократик Республикасида меҳнаткаш халқнинг тўла ғалабаси учунгина эмас, балки бутун немис ишчилар синфининг, бутун немис меҳнаткаш халқининг ғалабаси учун ҳам ҳужумга бормоқда.

Янгилик билан эскилик ўртасидаги бу тортишув асосан меҳнат фронтида ҳал қилинади. Шунинг учун ҳам мен яна бир марта айтаманки, сизларнинг меҳнат унумдорлигини тўққиз процент оширгланлигингиз катта ғалабадир!

Ишчилар синфи руҳининг улуғворлиги унинг синфий онглилигида, жамият тараққиёти учун ишчилар синфининг ва ўз синфи ичида ҳар бир ишчининг ролини тушуна билишидадир. Ишчилар синфи ҳокимиятни ўз қўлига олиб, ишлаб чиқаришни меҳнат унумдорлиги жиҳатидан капиталистлар учун ишлаган вақтдагига нисбатан кўпроқ бўлишини таъминлай олдиган қилиб ташкил этган тақдирлагина ғалаба қозонади. Энг муҳими ана шу. Аммо, Ғарбий Германия ишчилари ҳозирча сиздагига қараганда юқорироқ меҳнат унумдорлигига эга. Руслар айтганидек, буни мақхам эсда тутиш керак. Бу нарса сизларга тушунарлими, ўртоқлар?

Меҳнат унумдорлигини ошириш учун кураш — шундай бир қонуни, у бизнинг мамлакатимиз учун ҳам, барча социалистик мамлакатлар учун ҳам баравар даражадаги қонундир. Ҳар бир ишчи ҳам умуман жамиятнинг ривожланишини тушуниш даражасига кўтарилиш имкониятига эга бўла бермайди, баъзи бировлар бундай деб ҳам ўйлайди:

— Германия Демократик Республикасида ишлаётган Фриц нима олади-ю, Ғарбда ишлаётган Ганс нима олади. Ана шунга қараб у қаерда яхши-ю, қаерда ёмон эканлигини белгилайди.

Ҳа, шундай ўртоқлар! Ҳозирча ҳали шундай. Шу сабабли сизларнинг ролингиз, сизларнинг вазифангиз — ишлаб чиқаришни яхшироқ ташкил қилишдан, меҳнат унумдорлигини капиталистик мамлакатлардагига қараганда юқорироқ даражага кўтаришдан иборат. Агар ўз меҳнатингиз билан яратмасангиз, худо ҳам, шайтон ҳам сизларга ҳеч нарса бермайди: ёғ ҳам, нон ҳам бермайди. Менингча, бу ҳаммага аён бўлса керак.

Кўпроқ маҳсулотга эга бўлиш учун кўпроқ ишлаб чиқариш керак. Агар биз ишлаб чиқарилаётганидан кўра кўпроқ истеъмол қиладиган бўлсак, у ҳолда биз бой бўлмаймиз балки камбағаллашиб кетамиз, асосий капитални еб адо қиламиз ва қашшоқ бўлиб қоламиз. Ҳа, шундай, ўртоқлар! Биз ёрдам сўрашга мажбур бўлиб қоламиз. Бу ёрдамни бизга ким беради, Ғарбий Берлинми? Унинг ўзи қўлини чўзиб турибди ва империалистлар унга у-бу ташлаб турмоқдалар. Аммо улар Ғарбий Берлинга бу ёрдамни бизга қарши кураш олиб бориш учун бериб турибдилар. Шундай вақт келадиким, Ғарб мамлакатлари садақа беришни тўхтатиб қўядилар. Тагсиз идишга беҳуда пул ташлаш уларнинг жонига тегиб қолади.

Бизга бой тоғамиздан садақа кутиб туриш керак эмас. Ишчилар ҳамма нарсага ҳамиша ўз кучи, ўз ақли, ўз меҳнати билан эришиб келди! Бутун дунё ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлар, халқ интеллигенцияси яратган моддий бойликлар билан яшаб келмоқда. Шу сабабли ҳокимиятни қўлиб қўлга киритган халқ ҳамма ноз-неъматларни ўзи яратади. Хуллас, сизларга ҳамма нарса аён эканлигини кўриб турибман, ўртоқлар!

Гитлер коммунизмнинг илдизларини немис тупроғидан қирқиб олиб ташламоқ учун ҳамма соҳада болтага зўр берган эди. Лекин бугун биз Карл Либкнехт, Роза Люксембург, Эрнст Тельман ва ишчилар иши учун фидокорона курашган бошқа минглаб курашчиларнинг қони тўкилган ерда социализмнинг ажойиб ниҳоллари ўсиб чиққанлигини кўриб турибмиз. Бу ниҳоллар бақувват бўлиб ўсиб, ривожлана беради, чунки сизларнинг партиянгиз ижодий кучга тўлган партиядир, чунки сизларни қудратли социалистик ҳамдўстлик қувватламоқда, чунки умуман халқаро вазият бизнинг умумий улуғ ишимиз учун қулай бўлиб бормоқда.

Азиз ўртоқлар! Мен Берлинда, Германия Бирлашган социалистик партиясининг съездида нутқ сўзлаётганимдан фойдаланиб, энг муҳим ва ўткир халқаро проблемаларнинг бири бўлган Германия проблемасига доир ўз мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчиман.

Бу масалада ҳозир аҳвол қандай?

Илгариги гитлерчилар империяси ўрнида иккита давлат — тинчликсевар социалистик Германия ва милитаристик реваншчи, империалистик Германия мавжуддир. Бундан ташқари, Германия Демократик Республикасининг территорияси Ғарбий Берлин алоҳида, капиталистик орол бўлиб турибди. Ҳозирги Германиянинг реал манзараси мана шу. Вужудга келган реал аҳволни ҳисобга олиб, ҳар иккала Герман давлатининг тинч-тотув яшашини таъминлаш — умумжаҳон аҳамиятига эга вазифадир.

Ҳар иккала герман давлати билан сулҳ шартномаси тузиш ва шу асосда Ғарбий Берлиндаги аҳволни нормаллаштириш масаласини қўйган вақтимиздагига нисбатан биринчи қаракда ҳеч бир нарса ўзгармагандек бўлиб кўринишиз мумкин. Шундан бери тўрт йил ўтди-ю, аммо сулҳ шартномаси тузилгани йўқ. Ўз умрини аллақачон тугатган оккупация режими Ғарбий Берлинда ҳали ҳам сақланиб турибди. Ғарбий Германияда реваншизм ва милитаризм Ғарб давлатларидаги агрессив доираларнинг ҳомийлиги остида қўланса ҳид чиқариб, авж олмоқда. Баъзи бир кимсалар, вақт бекорга сарф бўлибди-ку, социалистик мамлакатлар Германия сулҳ шартномаси тузиш масаласини кескин қилиб қўйиб, ҳеч бир натижага эриша олмадилар-ку, деб айтишлари мумкин.

Лекин кимки шундай деб ўйласа, у рўй берган ўзгаришларни кўрмайди ёки бутунлай тушунмайди. Шу йиллар ичида воқеаларнинг қандай ривожланганлигини ўйлаб ва анализ қилиб қарасак, шуни эътироф қилмаслик мумкин эмаски, бу масала қўйилган вақтдан бери кўп воқеалар бўлиб ўтди, жиддий ўзгаришлар рўй берди.

Германия Демократик Республикасининг позициялари мустаҳкамланди. Сизларнинг республикангиз ўз суверенитетини самаралли равишда ҳимоя қилмоқ учун керакли ҳамма имкониятларга анча вақтгача эга бўлмай келган эди. Унинг Ғарбий Берлин билан бўлган чегараси очиқ дарвоза каби бир нарса эди. Қўпорувчи кучлар сизларнинг қонингизни сўриб олиш, республика меҳнаткашларининг ҳар йил миллиард-миллиард марка маблағини талаб олиш учунгина эмас, шу билан бирга социализм негизларининг ўзини ҳам бўшаштирмоқ учун бу дарвозалардан ҳеч қандай монесиз ва бемалол фойдаланиб келдилар.

Бу тартибсизликка 1961 йил 13 августда чек қўйилди. 1961 йилнинг 13 август куни — Германия Демократик Республикасининг тараққиётидаги тарихий кундир.

Ғарбий Берлин билан бўлган чегарани сизлар ўз контролингиз остига олдингиз. Мана шунинг ўзи Германия Демократик Республикасининг суверенитетини мустаҳкамлашдаги жуда муҳим қадам бўлди. Германия Демократик Республикаси ўз мамлакатининг ҳақиқатан чинакам хўжайини ва ўз чегараларининг посбони бўлиб қолди, ўзининг социалистик ғалабаларини ва ўз гражданларининг тинч меҳнатини четдан бўладиган ҳамлалардан мустаҳкам қўриқлаш имкониятига эга бўлиб қолди.

Ғарбий Берлин билан бўлган чегарада муҳофаза чоралари кўрилмасдан олдин реакция кучлари ўзларининг қўпорувчилик мақсадларини амалга оширмоқ учун сизларнинг республикангизга бемалол кира олар эдилар, империалистларнинг агентларини бошқа социалистик мамлакатларга юборевердар эдилар. Шундай ҳолат рўй берган эдики, социалистик давлат барпо қилинган бўлса ҳам, лекин унинг чегарасида рахна қолдирилган эди, социализм душманлари бу рахнадан сурбетлик билан суиистеъмол қилиб келдилар. Бундай аҳволга тоқат қилиб бўлмас эди. Германия Демократик Республикасининг ҳам, шунингдек бутун социалистик ҳамдўстликнинг ҳам манфаатларини ҳимоя қилиш керак эди. Сизларнинг ҳукуматингиз Варшава шартномасининг қатнашчилари бўлган барча давлатларнинг тўла равишда қўллаб-қувватлаши билан мана шундай чорани кўрди.

Варшава шартномасининг қатнашчилари бўлган социалистик давлатларнинг баёнотида, Ғарбий Берлин бўлган чегарада муҳофаза чораларини ўтказиш шаҳар аҳолиси учун маълум ўнғайсизликлар туғдиради, деб айтилган эди. Лекин бунинг учун айб Ғарбий Берлинда сизларнинг республикангизга қарши жиноятқорона қўпорувчилик ишларини олиб бориш марказини вужудга келтирган, Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг холис ниятини суиистеъмол қилган кишиларнинг устига тушади.

Рўй берган ўзгаришларнинг аҳамиятини лоақал шундай бир мисол билан кўрсатиб бериш мумкин — америкалик бир журналист совет журналистидан сўрабди: Чамамда сизлар Германия сулҳ шартномасини тузиш натижасида олмоқчи бўлган нарсангизнинг ҳаммасини 13 августда олган бўлсангиз керак? Совет журналисти бунга эътироз қилиб: Йўқ, сулҳ шартномаси имзоланган эмас ва, бинобарин, аҳвол асло сиз ўйлагандек эмас, деб жавоб берибди.

Шунда америкалик журналист бундай дебди: Рост, сулҳ шартномаси ҳали имзолангани йўқ, лекин бу шартномани имзолашни талаб қилиб кузатган мақсадингизга сизлар деярли тўла равишда эришдингиз. Сизлар чегарани ёпиб қўйдингиз, Ғарбнинг Германия Демократик Республикасига ўтадиган йўлини ёпиб қўйдингиз. Шундай қилиб, сизлар сулҳ шартномасини имзоламаганингиз ҳолда, ўзингиз интилган мақсадга ва шу шартномани имзолаш натижасида эришмоқчи бўлган мақсадингизга эришдингиз.

Америкалик журналист гапини давом эттириб, бундай дебди: эришмоқчи бўлган мақсадингизга эришиб, яна бунинг устига Ғарбнинг оғрийдиган қадоғини эзиш имкониятини ҳам олдингиз. Германия Демократик Республикасининг территорияси орқали Ғарбий Берлинга ўтадиган йўл Ғарбнинг мана шундай босганда оғрийдиган қадоғидир. Бу йўлдан ўтишни тартибга солиб турадиган бирор қатъий халқаро мажбуриятлар ҳозирча йўқ, бу нарса умуман Германия Демократик Республикасининг ҳукуматига боғлиқ ва агар у ўзи хоҳласа тазйиқни ҳамиша кучайтириши ёки бўшаштириши мумкин.

Бу гапларда айтилган фикрларнинг ҳаммаси тўғри бўлмаса ҳам, бироқ, америкалик журналист ҳақиқатга бирор даражада яқинроқ гапни айтган. Бизнинг иттифоқчимиз ва дўстимиз — Германия Демократик Республикаси — ҳар бир суверен давлат учун зарур бўлган барсани — ўз чегараларини контроль қилиб туриш ва Германия Демократик Республикасининг социалистик тузумини бўшаштиришга уринмоқчи бўлганларга қарши чоралар кўриш ҳуқуқини олди. Бу эса социализм мамлакатларининг ҳаммаси — Варшава шартномасининг қатнашчилари эришган катта умумий ғалабадир. Эндиликда агар социалистик мамлакатларнинг бевосита манфаатлари нуқтаи назаридан бу масалага қараладиган бўлса, Германия сулҳ шартномасини тузиш проблемаси Германия Демократик Республикасининг Ғарбий Берлин билан бўлган чегараларида муҳофаза чоралари кўрилганидан олдин бўлган тарздан ҳақиқатан бошқачароқ бўлиб турибди.

Бу гаплардан, социалистик мамлакатларда, гитлерчилар Германиясига қарши урушган мамлакатларда сулҳ шартномаси тузишга қизиқиш бўшашди, деган хулоса чиқариш ярамайди, албатта. Йўқ, қизиқиш бўшашган эмас.

Аксинча, бу масала ҳозир ҳам социалистик давлатларнинг халқлари учунгина эмас, балки совуқ урушни тугатишга ва бутун дунёда тинчликни таъминлашга интилаётган барча мамлакатларнинг халқлари учун ҳам ғоят ҳаётий аҳамиятга эгадир.

Германия билан тузиладиган сулҳ шартномаси бировларга фойда келтириб, бошқа бировларга зарар келтирмайди. Биз Европадаги мавжуд чегараларни бизнинг фойдамизга қайта қараб чиқиш тўғрисида ёки бошқа бирон нарса орттириб олиш ҳақида ҳозир ҳам, бундан аввал ҳам масала қўйганимиз йўқ. Совет Иттифоқи шундай бир шартномани имзолашни таклиф қилмоқдаки, бу шартнома иккинчи жаҳон урушининг оқибатларини тугатган, гитлерчилар Германияси тор-мор келтирилгандан кейин юз берган ўзгаришларни қайд қилиб қўйган бўлсин. Масаланинг реваншчилар даъвосига хотима берган ҳамда Европада урушдан кейинги тинчликка юридик негиз бўлиб қолган тахлитда ҳал этилиши катта аҳамиятга эга. Бундан Совет Иттифоқи, Германия Демократик Республикаси ва бошқа социализм мамлакатлари, шунингдек бетараф давлатлар ҳам, империалистик лагерь қатнашчилари, яъни фашистлар Германиясига қарши урушган капиталистик мамлакатлар ҳам башарти, фақат улар тинч-тотув яшаш позицияларида турган бўлсалар, янги жаҳон уруши бошлаб юборишни хоҳламаётган бўлсалар, баб-баравар манфаатдордирлар.

Ғарбнинг баъзи бир сиёсатдонлари гўё герман реваншчилари ва милитаристлари томонидан тинчликка солинаётган хавф ниҳоятда муболаға қилиб кўрсатилмоқда, деб бизни ишонтиришга уринмоқдалар.

Лекин ана шу сиёсатдонларнинг кўзи ожизлик ва эси ҳаддан ташқари калталик қилиб қоляпти. Ғарбий Германиянинг бутун сиёсий ҳаёти реваншчилик ғояси билан тўлиб тошгандир. Ғарбий Германиянинг бошқалар территорияларига бўлган даъволарини асослаб берувчи китоблар, журналлар, газеталар Гитлер даврида бўлганидек, ҳозир ҳам Ғарбий Германияда жуда кўплаб нашр қилинмоқда. Ғарбий Германия радиоси ҳам шу тўғрида тўхтовсиз аюҳаннос солмоқда. Бундесвер генералари машқлар ўтказиб, Совет Иттифоқига, Германия Демократик Республикасига, Польшага, Чехословакияга қарши қилинадиган ҳужум ҳаракатларининг планларини пишиқлаб олмоқдалар. Буни қарангки, ўзлари ядро зарбаси бермоқчи бўлиб турган шаҳарларни ва мўлжалга олиб қўйилган бошқа жойларни улар, ҳатто, ўз карталарида белгилаб қўйибдилар. Бу генералларнинг қўлида фақат атом қуроли йўқ, холос. Шунинг учун улар атом қуролига жон-жаҳдлари билан интилмоқдалар. Телбалар! Уруш бошланиб кетгудек бўлса, урушнинг дастлабки соатидаёқ Ғарбий Германия шағамдек ёниб битишини тушуниб олишни ҳали улар хоҳламаяптилар.

Янги урушга тайёргарлик кўришдан иборат ҳалокатли сиёсатга чидаб туришни хоҳламаётган ҳамда ана шу сиёсатга қарши курашга тобора активроқ отланиб чиқаётган кучлар Ғарбий Германиянинг ўзида ҳам ўсиб бормоқда. Германия Федератив Республикасидаги ишчилар синфи ва бошқа демократик кучлар адолатли равишда шундай деможаларки, Германия янги қонли урушга олиб борувчи йўлдан эмас, балки тинчлик ва социал тараққиёт йўлидан бориши мумкин ва керак. Бунинг устига герман реваншчилари уруш бошлашга тайёргарлик кўраётган мамлакатлар йигирма йил муқаддам бўлганига нисбатан ҳозир беқиёс даражада кучлироқдирлар.

Биз шунга ишонмоқчимизки, Германия Федератив Республикасининг аҳолиси ўртасида жуда катта ўрин тутган ишчилар синфи Гитлернинг издошларига зарба бериш ҳамда Гитлер телбаларча олиб борган сиёсатнинг такрорланишига йўл қўймаслик учун ўзида куч-қувват топади ва жипслашади олади.

Биз герман халқининг асл манфаатларини, тинчлик ва социал тараққиётдан иборат адолатли ишни фидокорлик билан ҳимоя қилиб келаётган Ғарбий Германия коммунистларининг, барча прогрессив кучларнинг қаҳрамонона курашини табриклаймиз.

Сулҳ шартномасини имзолаш — Европадаги муҳитни соғломлаштиришга, иккинчи жаҳон урушининг қолдиқларини тугатишга, давлатларнинг тинч-тотув яшаши учун тағин ҳам мустаҳкамроқ негиз яратишга олиб борадиган йўлдир. Сулҳ шартномаси бошқа масалаларни ҳал қилишга халақит берб турган тугунни ечиш ёки қирқиб ташлашга имкон беради. Шунинг учун тинчлик ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш манфаатларини қадрловчи кишиларнинг ҳаммаси Германия масаласини тинч йўл билан ҳал этиш учун биз билан бирга ҳаракат қила беради.

Қуролсизланиш сингари туб масалани олиб кўринг. Ҳали Германия билан сулҳ шартномаси тузилмаган экан, қуролсизланиш ҳақида бир битимга келиш ишида жиддий силжиш бўлишига кўз тутиш қийин бўлса керак. Бу икки масала юридик жиҳатдан бир-бири билан боғланмаган масаладир. Бу — мустақил масалалардир. Лекин халқаро муҳит тозаланган, яъни давлатлар ўртасида ишонч мустаҳкамланиб, қуролланишга ва армиялар сонини кўпайтиришга тобора янги-янги маблағлар ажратишга мажбур қилмайдиган шароит вужудга келтирилган тақдирдагина қуролсизланиш мумкин. Айни Германия масаласининг ҳал бўлмай тургани эса қуролли кучларни кучайтиришга ва ҳарбий харажатларни кўпайтиришга мажбур қилмоқда.

Қиқсаси Германия масаласи — кескинликни ошираётган ҳамда икки дунёнинг — социализм дунёси билан империализм дунёсининг тўқнашиш хавфини кучайтираётган масаладир. Германия билан сулҳ шартномасининг тузилмаганлиги ҳамма халқларга, шу жумладан Ғарб мамлакатларининг халқларига катта зарар етказмоқда. Ана шу мамлакатларнинг халқлари ҳам тинчлик бўлишини истаётганликларини биламиз. Бу халқлар ўз овозларини барала кўтаришлари, довюраклик кўрсатишлари ҳамда давлатлар ўртасида, халқлар ўртасида кўпроқ ишонч вужудга келтириш манфаатларини кўзлаб, иккинчи жаҳон урушининг қолдиқларини тугатиш ва шу асосда зўр бериб қуролланишни тўхтатиш ҳамда қуролсизланиш ҳақида бир битимга келиш учун шарт-шароитлар ҳозирлаш йўлидан боришга ўз ҳукуматларини мажбур қилишлари керак.

Социалистик мамлакатлар Ғарбий Берлиндаги кераги йўқ. Улар Ғарбий Берлинсиз ҳам жуда яхши кун кўра берадилар. Ғарбий Берлиннинг Ғарб давлатларига ҳам кераги йўқ. Ғарбий Берлин тинчлик қўприги, social тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши учун бир намуна бўлиб қолиши мумкин. Шунга қарамай, империалистик давлатлар нуқул Ғарбий Берлиннинг «эркинлиги»ни ҳимоя қилиш мажбуриятини олганмиз, деб жавраб келмоқдалар. Уйдирмалиги очиқдан-очиқ кўриниб турган бу формула ҳар қандай танқиддан ҳам тубандир. Бу формула замирида фақат бир нарса — ҳар қандай қилиб бўлса ҳам, халқаро кескинликни сақлаб қолиш истаги яширинган ётибди ва буни Ғарбий Берлиндаги ҳозирги ғайри нормал аҳвол яққол кўрсатиб турибди.

Шунинг учун башарти баъзи бир давлатлар мавжуд кескинликни, зўр бериб қуролланишни давом эттириш ва, бинобарин, ҳар дамда ҳарбий тўқнашиш билан тугалланиши мумкин бўлган ишончсизлик, оғир дудмаллик вазиятини сақлаб қолиш ниятида бўлсалар, сулҳ шартномасини имзолашга ҳамда Ғарбий Берлиндаги оккупация режимини тугатишга бундан буён ҳам қаршилик кўрсата берадилар, албатта. Агар бу давлатлар ҳақиқатан ҳам шундай ниятда бўлсалар, уларнинг Варшава шартномаси мамлакатларининг Германия масаласидаги таклифларига объектив равишда ва сергаклик билан қарашларига умид боғлаш қийин бўлур эди, ваҳоланки биз ўзаро мақбул қарорга келмоқ учун иложи бўлган ҳамма чораларни кўряпмиз.

Сулҳ шартномаси иккала герман давлати билан ёки шу давлатларнинг бири билан имзолашига социалистик мамлакатлар розидирлар. Улар масала тинч йўл билан ҳал этилган вақтда Ғарбий Берлинга эркин шаҳар статуси берилишини таклиф қилмоқдалар. Социалистик мамлакатлар ана шу эркин шаҳарга унинг ишларига аралашмаслик тўғрисида энг ишончли ғарантиялар, Ғарбий Берлин аҳолисининг ўзига маъқулроқ бўлган social-сиёсий тузумни эркин танлаб олиши ҳақида ғарантиялар беришга тайёрдирлар. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бундай ғарантияларнинг кафили бўлиб қолиши керак. Илгари айтиб ўтилганидек, Германия Демократик Республикаси, СССР ва уларнинг социалистик иттифоқчилари, ҳатто Бирлашган Миллатлар Ташкилоти байроғи остидаги ажнабий қўшинларнинг муайян вақт мобайнида Ғарбий Берлинда туришига ҳам розидирлар.

Шундай бўлиб туйиладики, ғарантиялар ҳам у, ҳам бу томонни қондирадиган бўлиши учун яна нима керак, яна қандай оқилона ғарантияларни ўйлаб топиш мумкин? Ғарантиялар тўғрисидаги таклифларимизни қабул қилмаётган кишилар шу таклифларни етарли эмас, деб ҳисоблаётганликлари учун шундай қилаётганлари йўқ, балки кескинлик тугунини бўшаштиришни истамаётганликлари (Ғарбий Берлин ана шундай тугун бўлиб қолди), ана шу шаҳардаги НАТО ҳарбий базасининг умрини узайтиришга уринаётганликлари учун шундай қилмоқдалар. Улар НАТОнинг бу ҳарбий базасини Европада ва бутун дунёда хатарли халқаро ихтилофларнинг ҳамда вазиятни кескинлаштиришнинг маркази сифатида сақлаб қолишга уринмоқдалар.

Ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар ана шулардан иборат ва бу масалаларнинг яқин келажакда ҳал қилинишига аминмиз. Лекин уларнинг қандай ҳал қилиниши фақат бир томонгагина боғлиқ эмас. Башарти ўзаро мақбул бир битимга келиш истаги бўлса, унда ҳар иккала томон ақл-идрок билан иш кўришлари ҳамда бир-бирларининг ҳаётий манфаатларини ҳисобга олишга тайёр эканликларини кўрсатишлари керак. Бир тангликдан омон-эсон чиқиб олгач, бошқа бир хатарли тангликдан ҳам ўз-ўзидан қутулиб кетиш мумкин, деб умид боғлаш учун асос йўқлиги ҳақидаги Ғариб денгизи районидаги танглик сабоқ берган оддий ҳақиқатдан Ғарбнинг масъул давлат арбоблари хулосалар чиқариб олсалар, яхши бўлур эди. Уруш тақдидини чекинтирмоқ учун эҳтимоли яқин бўлган халқаро конфликтларнинг сабабларини тугатиш керак.

Ўртоқлар! Жаҳон майдонидаги кучлар нисбати йил сайин, қадам-бақадам социалистик мамлакатлар фойдасига ва империалистик лагерь зарарига тобора кўпроқ ўзгариб бораётганлигини эндиликда кўпгина душманларимиз ҳам эътироф этишга мажбур бўлмоқдалар. Иккинчи жаҳон урушига қадар империализм иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан социализмдан очиқдан-очиқ устун турар эди. Шуни айтиш керакки, иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳам империалистик лагерь маълум вақтгача ўзини социалистик мамлакатлардан кучлироқ, деб ҳисоблаб келди. Империалистлар ядро қуроли соҳасида ўзларининг монополия мавқеига эга бўлганликларига қувониб, бутун дунёга буйруқ беришга ҳамда ўз сиёсатларини мажбуран қабул қилдиришга уриниб келдилар. Улар социализм мамлакатларига қарши ошкора равишда агрессив, ҳужумкорлик йўлини ўтказдилар. Коммунизмга қарши курашдан иборат машъум тактика худди ана шу вақтда бунёдга келди. Даллес бу тактикани «коммунизмни улоқтириб ташлаш», «Шарқий Европа мамлакатларини озод қилиш» сиёсати, «уруш ёқасида» мувозанат сақлаш сиёсати, деб баён қилиб берди.

Бу сиёсат ўз ихтирочиларига обрў ҳам, шуҳрат ҳам келтирмай, батамом барбод бўлганлигини сиз биласиз. Империалистлар коммунизмни «улоқтириб ташлаш»га, унинг қудратини бўшаштиришга муваффақ бўлиш у ёқда турсин, бунинг аксича, улар жаҳондаги ўз позицияларини борган сайин кўпроқ йўқота бердилар. Урушдан кейинги даврда ўнлаб мамлакатлар империализм ва мустамлакачилик асоратидан қутулиб, мустақил тараққиёт йўлига кириб олдилар.

Шу факт ҳам империализмнинг заифлиги ўсиб бораётганлигидан далолат бериб турибдики, сўнгги вақтларда империалистик мамлакатларнинг ҳукмрон доиралари ўз мамлакатларидаги прогрессив, демократик кучларга қарши таъқиб чоралари ва террорчилик ҳаракатларини тобора кўпроқ қўлламоқдалар. Америка Қўшма Штатлари ўз конституциясини — энг демократик конституция деб, чиранган замонлар ўтиб кетди. Қўшма Штатлар ана шу конституцияни ҳамда меҳнаткашларнинг элементар демократик ҳуқуқлари ва эркинликларини тобора кўпол равишда оёқ ости қилмоқда. Қўшма Штатлар коммунистларни уларнинг сиёсий эътиқодлари, ғоялари учун тюрьмаларга ташлаётганлиги ва ҳар хил йўллар билан таъқиб қилмоқда. Америка маъмурлари ўзларининг шармандали полициячилик ҳаракатларини бирон тарзда хаспўшлашга уриниб, АҚШ коммунистлари гўё «Москванинг агентларидир», деган афсонани тўқиб чиқардилар. Лекин коммунизм ғояларининг голибона ҳаракатини тўхтатиш учун ҳамма тусдаги ва мамлакатлардаги реакционерларга ҳеч нарса ёрдам бера олмайди.

Сўнгги вақтларда халқаро майдондаги кучлар нисбати ўзгарганлиги натижасида икки жаҳон системаси ўртасидаги кураш янги даврга қадам қўйди. Империалистлар ядро қуроли соҳасидаги монополиясини абадий йўқотиб қўйди ҳамда шу қуролни мўлжалга олиб берувчи воситалар соҳасидаги устунлигидан аллақачонлар маҳрум бўлди. Империалистик дунёнинг етакчи давлати бўлган АҚШ ўзининг географик мавқеи билан боғланган афзаллигини йўқотиб, унга жавоб зарбаси берилиши мумкин бўлиб қолди.

Жаҳон майдонидаги кучларнинг янги нисбати тинчлик курашчиларини жипслаштиришга, жаҳон ишчилар ва миллий озодлик ҳаракатини ривожлантиришга қулайлик туғдирмоқда, империалистик мамлакатлардаги ҳукмрон синфларнинг баъзи бир доираларига ҳам таъсир ўтказиб, уларнинг эсҳушини жойига келтирмоқда. Ғарб давлатларининг сергакроқ намояндалари кучлар нисбатига реал баҳо бериб, социализм мамлакатлари билан низоли масалаларни уруш йўли билан эмас, балки музокаралар йўли билан бартараф қилмоқ керак, деб эътироф этишга тобора кўпроқ мажбур бўлмоқдалар. Бу, шак-шубҳасиз, янги аломатлардир. Лекин халқаро вазиятни кескинлаштираётган, жаҳон термоядро урушини бошлаб юбориш ҳақида телбаларча планлар тузаётган реакция ва уруш кучлари жон-жаҳди билан ҳаракат қилаётганлигини бир лаҳза ҳам унутиш ярамайди, албатта. Зўр бериб қуролланиш давом эттирилмоқда ва ҳатто кучайтириб юборилмоқда. Шу сабабдан термоядро урушининг олдини олиш учун, тинчликни мустаҳкамлаш учун курашда социалистик мамлакатлар, коммунистик партиялар, халқаро ишчилар синфи, эзилган ва эзилаётган ёш давлатлар, барча тинчликсевар кучлар тағин ҳам маҳкамроқ жипслашмоқлари керак.

Жаҳон социалистик системасига келганда, шуни айтиш керакки, биз тинч-тотув яшашни мустаҳкамлаш, ижтимоий системада олиб бориш, низоли масалаларни музокаралар йўли билан бартараф қилиш тарафдори бўлиб келдик ва ҳозир ҳам шунинг тарафдоримиз. Ўсиш ва тараққиёт йўлидан комил ишонч билан бораётган, истиқболга оптимистик назар ташлаётган кишиларга урушнинг керагги йўқ, улар тинчликдан ҳаётий манфаатдордирлар. Бизнинг эса ўртоқлар, умидсизланишимиз учун асос йўқ.

Сиёсий арбобларнинг, давлат арбобларининг халқлар олдидаги масъулиятини унутиб қўйишга ҳаққи йўқ. Бизлар жаҳонда биринчи бўлиб социализм учун, коммунизм учун кураш байроғини кўтариш шарафига муяссар бўлдик. Ҳозирги вақтда Совет Иттифоқи, бутун социалистик ҳамдўстлик капиталистик дунёга қарши гранит қоядек бўлиб турибди ва ҳамма штормлар шу қоянинг қудратли негизига дуч келиб, парча-парча бўлмоқда. Авантюризм билан шуғулланиш ва шу тариқа ўз тузумининг ғалабасига ишончини йўқотаётган империализм агрессив кучларининг жаҳон урушини бошлаб юборишига имкон бериш биз коммунистларга, юксак ғояли ва эзтиқодли кишиларга хос иш эмас. Такрор айтаман, ўртоқлар, бу иш ақл-идрокдан эмас, қаҳрамонликдан эмас. Бу — ишчилар синфининг кучига, социализмнинг кучига ишонмасликдир.

Социализм ва коммунизм ғалабаси учун курашда бизга ҳали кўп жанглар қилишга тўғри келади. Биз умумий биномизнинг пойдеворини йил сайин кенгайтирмоқдамиз ва мустаҳкамламоқдамиз. Бу бино жаҳон ўзра тобора баланд қад кўтармоқда. Эндиликда империалистик лагерь бизнинг кучларимиз билан ҳисоблашишга мажбур, бутун дунё ишчилар синфи жаноб олийлари ва унинг авангарди — социалистик мамлакатларнинг ишчилар синфи ривожланаётганлиги ва куч тўплаётганлиги билан ҳисоблашишга мажбур.

Бу кучлар коммунизм идеяларининг тўла ғалабасига эришгунча, бутун дунёда бахт-саодат ва равнақ тантана қилгунча, бизнинг қизил байроғимиз бутун ер юзида ҳилпиллаб тургунча ўзларининг олға томон ҳаракатларини кучайтира беради ва тезлаштира беради.

Бундай пайт келади, ўртоқлар, биз бунга қаттиқ ишонамиз!

Социализм мамлакатларининг экономикаси ўз суръатлари жиҳатидан капитал дунёсидан анча олдинда бориб, ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда. 1962 йилда социалистик мамлакатлар саноат маҳсулотининг ҳажми 1957 йилдагига нисбатан тахминан 70 процент кўпайди. Шу давр ичида капиталистик мамлакатларда атиги 25 процент кўпайди, холос. Ҳозирги вақтда социалистик мамлакатлар саноатининг маҳсулоти иқтисодий жиҳатдан тараққий этган капиталистик мамлакатлар саноат маҳсулотининг тахминан 64 процентига етиб қолди. Сизнинг республикангиз меҳнаткашлари, халқ Польшаси, Чехословакия, Хитой Халқ Республикаси, Венгрия, Руминия, Болгария, барча социалистик мамлакатларнинг ишчилари, деҳқонлари, интеллигенцияси социалистик экономикани ривожлантириш ишига зўр ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Жаҳон майдонида социализм ва капитализм кучларининг янги нисбати яқиндагина миллий мустақилликка эришган давлатларнинг аҳволига ҳам баракали таъсир кўрсатмоқда.

Илгари Америка империализми озод бўлган мамлакатларнинг бетарафлик сиёсати билан ҳисоблашишдан бош тортиб келар эди. Эндиликда Америка Қўшма Штатлари Осиё ва Африкадаги бир қанча мамлакатларнинг бетарафлик сиёсатига йўл қўйиш мумкинлигини ҳам, бу сиёсатнинг қонуний эканлигини ҳам эътироф этишга тобора кўпроқ мажбур бўлмоқда.

Империализмнинг сиёсатидаги бундай ўзгаришлар Ғарбнинг давлат арбоблари маърифатлироқ ва прогрессивроқ бўлиб қолганликлари натижасида содир бўлди, деб баҳо бериш соддаликлик бўлур эди, албатта. Йўқ, гап бундай эмас. Империалистлар хоҳлайдиларми, ё йўқми, бундан қатъи назар, улар ҳақиқат билан ҳисоблашишга мажбурдирлар. Уларнинг бундан бошқа иложи йўқ. Империалистлар ўз сиёсатини ишлаб чиқиш вақтида социалистик мамлакатларнинг кучи ўсиб бораётганлигини, уларнинг иқтисодий ва ҳарбий қудратини, ўз мустақиллиги учун империализмга қарши курашда Осиё, Африка, Латин Америкаси халқларининг миллий озодлик ҳаракати ривожланиб бораётганлигини, капитал мамлакатларида меҳнаткашлар оммасининг монополияларга қарши кураши кучаётганлигини ҳисобга олишга мажбурдирлар. Ана шуларнинг ҳаммаси империализмнинг халқаро майдондаги позицияларини заифлаштирмоқда.

Империалистлар у ёки бу бетараф давлатни ўз агрессив сиёсати тузоғига илинтириш, уни ўзларининг ҳарбий блокларига тортиш ҳақидаги фикрларидан воз кечмайди, албатта. Империалистлар янги мустақил давлатлар амал қилиб келаётган ва ҳарбий иттифоқларда қатнашмасликдан иборат бўлган сиёсатнинг илдизига болта уриш учун бир талай куч сарфламоқдалар, ана шу давлатларни тўғри йўлдан оздиришга, жаҳонда бўлиб ўтаётган кишилик жамияти тараққиёти процессларининг маъносига ва моҳиятини бузиб к

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ

(Боши иккинчи бетда).

ижтимоий тузумни сақлаб қолган ва ҳозирча сақлаб келаётган капиталистик, империалистик мамлакатлар мавжуд. Ана шу мамлакатлар тепасида турган монополистларнинг нияти эксплуататорлик тузумини ҳалокатдан сақлаб қолиш ва абадийлаштириб қўйишдир. Иккинчи томондан, шундай мамлакатлар мустаҳкамланиб ва ривожланиб келмоқдаки, бу мамлакатларнинг меҳнаткашлари капитализмни ағдариб ташлаганлар, унинг зулми ва эксплуатациясини йўқ қилганлар, халқ ҳокимиятини ўрнатиб, социализм ва коммунизм қуриш йўлидан бормоқдалар. Бундай мамлакатларнинг сони кўпайиб, капиталистик дунё қисқариб бора беради.

Бинобарин, гап ҳарбий блоклар устида эмас, балки иккита ҳар хил ижтимоий система устида бормоқда. Ҳарбий иттифоқлар, блоклар, пактлар империалистик давлатлар амалда ўтказиб келаётган сиёсатнинг натижасидир, империалистик давлатлар ҳарбий иттифоқларни, блокларни, пактларни ўз эксплуататорлик манфаатларини муҳофаза қилиш, меҳнаткашлар курашини бостириш, ҳарбий конфликтларга замин яратиш ва шундай конфликтларни бошлаб юбориш қуроли, деб билмоқдалар. Ҳарбий иттифоқлар, блоклар ва пактлар ҳалқаро шартнома ва битимлар тузиш йўли билан бунёдга келтирилмоқда. Янги ижтимоий система ҳеч қачон у ёки бу шахсларнинг ўзбошимчалик билан олиб борган ишлари натижасида, бирон ҳалқаро битим натижасида пайдо бўлмайди. Бу — ижтимоий тараққиётнинг объектив қонуни, жамиятдаги ички зиддиятларнинг — ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги зиддиятларнинг натижасидир.

Мустамлакачилик зулмидан яқинда халос бўлган кўпгина мамлакатларнинг ҳоҳиши социализм йўлидан боришдир. Айни бир маҳалда ана шу мамлакатлардан баъзиларининг давлат арбоблари «блоклар» ва «системалар» деган тушунчаларни бир-бирига аралаштириб юбориб, икки ҳарбий блок ўртасида усталик билан ҳаракат қилмоқчимиз, деган гапларни айтмоқдалар. Бундай чалкашлик ишчилар синфига ва мустамлакачилик зулмидан халос бўлган халқларга фойда етказмайди. Бундай чалкашлик озодликка эришган халқларнинг онгини бузади, мустамлакачиларнинг ёш мустақил мамлакатларда ўз позицияларини сақлаб қолиш имкониятини енгилаштиради.

Собиқ мустамлака мамлакатларнинг кўпчилиги озод бўлиб, мустақилликка эришди. Лекин кўпгина мамлакатлар ҳали ҳозирча номига мустақил бўлди, холос. Мустамлакачилар ана шу давлатларнинг кўпида ўз маъмуриятини, ўз одамларини, ўз капиталларини қолдириб кетганлигини кўрмаслик мумкин эмас. Мустамлакачилар халқларнинг озодликка эришганлигига рози бўлгани йўқ ҳамда собиқ мустамлака мамлакатларнинг иқтисодий қолоқлигидан фойдаланиб, уларни бундан буён ҳам эксплуатация қилиш имкониятини ўзида сақлаб қолишга бутун воситалар билан ҳаракат қилмоқда.

Совет Иттифоқига, барча социалистик мамлакатларга келганда шуни айтиш керакки, улар собиқ мустамлакаларнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашда уларнинг халқларига, шармандали мустамлакачилик системасини тугатиш учун адолатли кураш йўлига кириб олган ҳамма халқларга ҳар тарафлама ёрдам бериб келдилар ва бундан буён ҳам ёрдам бераверадилар. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг куч-қудрати юксалган сайин, бу ёрдам кўпайиб бораверади.

Жаҳонда кучлар нисбати социализм фойдасига ўзгарганлигини фақат биз гапираётганимиз йўқ. Аслини олганда, душманларимиз ҳам «қўрқитиш мувозанати» ҳақида гапирганларида, буни эътироф этмоқдалар. Бироқ «қўрқитиш мувозанати» назариясига амал қилмаймиз, лекин душманларнинг шундай хулоса чиқарганлигига эътибор бермаслик мумкин эмас. Бу хулосалар империалистик давлатларнинг ҳукмрон доиралари жаҳон социализм системасининг куч-қудрати ўсиб кетганлигини эътироф этганлигидан бошқа нарса эмас. Уларнинг «мувозанат» ҳақидаги гаплари «коммунизмни улоқтириб ташлаш» тўғрисидаги ва шу каби тезисларга сира ҳам ўхшамайди. Биз социализм ва тинчлик кучлари империализм кучларидан қудратлироқ, деб гапирибгина қолаётганимиз йўқ, балки буни яхши билиб ҳам турибмиз.

Тинчлик ва социализм кучларининг таъсири ўсиб кетганлиги, тинчликсевар ташқи сиёсатимизнинг самарали эканлиги Қариб денгизи районидаги танглик даврида алоҳида куч билан намоён бўлди.

Маълумки, Америка империализми 1961 йилда Куба контрреволюционерларининг Кубага бостириб киришини уюштирган эди. Америка империализми Куба халқининг қаршилик кўрсатиш кучига, Куба революциясининг кучига сира етарли баҳо бермади ва мағлубиятга учради. Америка империализми Кубага яна бостириб киришга замин тайёрлар экан, энди хозиргача ҳам ўзидан мадад, пул ва қурол олиб келаётган Куба контрреволюционерларини ишга солиш билангина чекланиб қолмади. АҚШ ўз қуролли кучларини ишга солиш пайига тушди.

Бироқ, батамом тайёрлаб қўйилган бостириб кириш барбод қилинди. Куба халқи зўр бериб сарфлаган куч-ғайратлар, Совет Иттифоқи ва бошқа социализм мамлакатлари, шунингдек бошқа демократик, антиимпериалистик кучлар зўр бериб сарфлаган куч-ғайратлар натижасида Америка империализмининг агрессив доиралари чекинишга ҳамда Кубага бостириб кириш воз кечганлигини ошкора равишда айтишга мажбур бўлди.

Кариб конфликтида Куба билан Совет Иттифоқи мағлубиятга учрадилар, деб даво қилувчи кишилар чиқмоқдалар. Бироқ, бу одамларнинг мантиқи ғалати-ку: революцион Куба ҳаёт кечириб, мустаҳкамланиб бораётган экан, қандай қилиб биз мағлубиятга учраган бўлайлик. Хўш, аслида ким чекинди-ю, ана шу конфликтда ким ютиб чиқди? Томонларнинг ҳар бири қандай мақсадлар қўйганлигини ҳали яна бир марта таҳлил қилиб кўрайлик.

Куба халқи революцияни амалга оширгач, Кубада социализм қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. АҚШнинг агрессив доиралари биз Ғарбий ярим шарда социалистик мамлакатнинг мавжуд бўлишига чидаб туролмаймиз ҳамда Кубанинг революцион ҳукуматини ағдариб ташлаб, Америка монополияларининг ҳокимиятини тиклаш учун бутун куч-қувватимизни сарфлаймиз, дедилар. Масала ана шу таҳлитда турар эди.

Башарти, Америка империализмининг шахтини қайтариб қўя оладиган қандайдир фавқулодда чоралар кўрмасак, АҚШ Куба халқига қарши агрессия қилишини биз тушунар эдик. Совет ҳукумати билан Куба ҳукумати қандай чоралар кўриш мумкинлигини пухта ўйлаб, ҳар хил вариантларни тарозига солиб кўрдилар. Биз башарти Америка империализми Кубага агрессив ҳужум бошлайдиган бўлса, жавоб тариқасида термоядро зарбаси олиши мумкинлиги билан ҳисоблашиши лозимлигини Америка империализмига сездириб қўймоқчи бўлдик. Мажбур бўлиб кўрган ана шу чорамиз ҳақиқатан ҳам империалистларни ҳанг-манг қилиб қўйди. Лекин фақат мана шундай чораларгина АҚШнинг давлат арбобларини реал ҳақиқатга анча сергаклик билан баҳо беришга мажбур қилиши мумкин эди.

Маълумки, АҚШ президенти Совет ҳукуматига юборган мактубида АҚШ Кубага бостириб кирмайди ва бундан ўз иттифоқчиларини ҳам тийиб туради, деб бутун дунё олдида мажбурият олди. Бу билан АҚШ ҳукумати Куба Республикасига қарши қуролли интервенция бошлашдан воз кечишга ҳақиқатда мажбур бўлди.

Бу — империализм энг агрессив доиралари сиёсатининг барбод бўлиши ҳамда тинч-тотув яшаш сиёсатининг, империализмга қарши кураш сиёсатининг ғалабаси, контрреволюциянинг экспорт қилинишига йўл қўймасликка қаратилган сиёсатнинг тантанаси эди.

Бизга: модомики сиз Кубадан ракеталарингизни олиб кетган бўлсангиз, демак, чекиндингиз, деган гапларни айтмоқдалар. Лекин уддабуронликни, усталик билан ҳаракат қилиш қобилиятига эга бўлишни талаб қилувчи бизнинг замонимиздаги сиёсий курашнинг бутун мураккаблигини тушунмаётган кишиларгина шундай мулоҳаза юритишлари мумкин. Рост, бу иккинчи томоннинг ён беришига жавобан бизнинг ён беришимиз, ўзаро ён бериш эди. Империалистлар ён беришга ва Кубага бостириб киришдан воз кечишга мажбур бўлдилар. Биз эса ракеталаримизни Кубани империалистларнинг бостириб киришидан муҳофаза қилиш учунгина ўрнатган эдик. Демак, бизнинг ракеталаримиз ўз ролини ўйнади.

Ўз-ўзидан маълумки, бутун империалистик лагерь сингари Америка империалистлари ҳам социалистик мамлакатларга қарши курашиш фикридан воз кечганлари йўқ. Бу курашда улар турли воситалардан, чунончи бевосита қуролли ҳаракатлардан ҳамда бошқа методлардан фойдаланишлари мумкин. Иқтисодий мусобақа ҳам курашнинг бир воситасидирки, бир система шу восита ёрдами билан иккинчи система устидан ғалаба қилишни истайди.

Америка Қўшма Штатлари Кубадаги социалистик ғалабаларни тугатиш ниятидан воз кечгани йўқ. Лекин ишнинг моҳияти шундан иборатки, Куба билан биргаликда биз Америка Қўшма Штатларини Кубага қуролли бостириб киришдан воз кечганлигини билдиришга мажбур қилдик.

Социализм йўлига кириб олган мамлакатларни мустаҳкамлаш учун кураш — узоқ давом этадиган процессдир. Бу процесс системалардан бири узил-кесил ғалаба қозонгунга қадар давом эта беради, узил-кесил ғалаба қозониш эса — капиталистик системани тугатиш демакдир.

Бизни Америка Қўшма Штатларига термоядро қуроли билан ҳужум қилиш ва шу орқали жаҳон термоядро уруши бошлаб юбориш учун Кубага ўз ракеталарини ўрнатди, кейин эса ана шу мақсаддан воз кечиб, ракеталарини Кубадан олиб кетди, деб ҳисоблаётган кишиларнинг позицияларидан келиб чиқадиган бўлсак, унда биз ўз мақсадимиздан чекинган бўлиб кўринишимиз мумкин. Лекин ҳамма гап шундаки, Совет Иттифоқи зинҳор бундай мақсадни кўзламаган эди. Биз Кубага ўз ракеталаримизни Америка империализмининг Кубага қарши агрессиясини тўхтатиб қўйишдан иборат бирдан-бир мақсад билан ўрнатган эдик.

Америка империалистлари энг ашаддий доираларнинг таъсири остида ўз ваъдасининг устидан чиқмай, ўз қуролини яна Кубага қарши қаратади, дейишлари мумкин. Аммо, Кубани ҳимоя қилган кучлар барҳаёт-ку ва улар кун сайин тобора қудратлироқ бўлиб бораяпти-ку. Гап ракеталарнинг қаерда — Кубада ёки бошқа жойда турганида эмас. Барибир ракеталар қаерда бўлмасин, улардан ҳар қандай агрессияга қарши муваффақият билан фойдаланиш мумкин.

Такрор айтаманки, биз Кубага ракеталарни социалистик мамлакатлар билан империализм ўртасида уруш бошлаш вақтини яқинлаштирмоқ ниятида ўрнатмаган эдик. Бизнинг кўзлаган мақсадимиз бошқа эди — империалистларнинг Кубага бостириб киришига йўл қўймаслик, янги жаҳон урушининг бошланиб кетишига йўл қўймаслик эди. Агар воқеаларга ана шу позицияларда туриб баҳо берилса, биз ютиб чиқдик. Бу — тинчлик кучларининг ютуғи, социализм кучларининг, коммунизм қуръаётган кучларининг ютуғидир.

Ўзини марксист деб ҳисоблаётган баъзи бир кишилар империализмга қарши кураш, аввало, социалистик мамлакатларнинг иқтисодий куч-қудратини — душманларимиз ҳисоблашиб келаётган ана шу реал воситани — оширишдан иборат эмас деган гапларни айтмоқдалар ва бундай курашнинг аллақандай янги ва чамаси сариқ чақага ҳам арзимаган усулини ўйлаб чиқардилар. Буни қарангки, бу усул мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига боғлиқ эмас эмиш, қурол-яроғларнинг сифати ва сонига боғлиқ эмас эмиш, балки нуқул сўкинишдан иборат эмиш. Ана шу одамлар империализм шаънига беҳад лаънатлар ёғдириш — социалистик мамлакатларга биринчи галда ёрдам берадиган ишни қилиш демакдир, деб ҳисобламоқдалар.

Афсунгарлар билан дуохонлар ана шундай иш тутар эдилар.

Империализмга қарши кураш олиб бориш учун фақат шу нарсанинг ўзи талаб қилинадиган бўлса эди, биласизки, рус кишилари койишда ҳам жуда зўрдирлар. Немисларда ҳам ўзларининг қаттиқ гаплари бор, аммо менинг фикримча, бу соҳада сизлар билан мусобақа қилинадиган бўлса, руслар енгиб чиққан бўлур эдилар.

Аммо койиш — душманларга қарши курашда энг кучли восита эмас. Койишдан бирор натижа чиқмайди. Шунинг учун ҳам империализмга қарши уни койиш йўли билан курашиш керак эмас; балки империализм, капитализм билан иқтисодий соҳада мусобақа қилиш керак. Шу мусобақада мустаҳкам негизга эга бўлиш учун социалистик мамлакатларнинг иқтисодий потинциалини ривожлантириш ва реал кучларга, ядро-ракета кучига эга бўлиш керакки, бу кучлар империалистларни: тумшуғингни суқадиган бўлсанг, бошингдан айриб қоласан, деб огоҳлантириб турсин! Мана буни империалистлар тушунадилар.

Болалик чоғимда мен конларда яшаган эдим. Шундай вақтлар бўлар эдики, бирор киши касал бўлиб қолса, у дуохон кампирнинг олдига борар, кампир афсун қилгандан кейин аҳволи енгиллашгандай туюлар эди. Бундай ишлар эндиликда жоҳиллик деб ҳисобланади. Ўша вақтда ҳам бу жоҳиллик эди, албатта. Аммо ўша вақтда кўп одамлар, масалан, илон чақмаслиги учун қандайдир сиҳр сўзларини бориб ўрганиш керак, деб ишонар эдилар ва бунинг фойдаси бор, деб айтар эдилар. Аммо одамларни фақат нодонлик, жаҳолатгина тинчитиши, уларда бундай воситалар таъсир қилади, деб ишонч туғдириши мумкин эди.

Империализмни қойиш ҳам худди шундай, унинг учун койишнинг аҳамияти йўқ; уни қанча койисанг ҳам, барибир у бойлик орттира беради, халқларни эксплуатация қила беради. Лаънатлар ва койишлар билан ҳавони қанча ларзага келтирганинг билан бундан империализм заифлашиб қолмаслиги ҳар бир элементар саводи бор марксистга аён.

Албатта, империалистларнинг кирдикорларини фош қилиш зарур. Бу нарса оммани эксплуататорларга қарши курашга сафарбар қилади, омма империализмнинг йиртқичлик моҳиятини тушуниб олишига ёрдам беради. Лекин империалистлар ҳисоблашадиган нарса фақат реал куч эканлигини эсда тутмоқ керак. Шу сабабдан, давлат ҳокимиятининг рулини бошқариб турган коммунистларнинг бурчи — кучларимизни мустаҳкамлаш учун ҳамма чораларни кўришдир. Бу эса экономикани бутун чоралар билан ривожлантириш ҳамда социализмнинг иқтисодий қудратини узлуксиз юксалтириш негизида халқлар фаровонлигини ошириш демакдир. Бу — ўз озодлиги учун курашаётган ҳамма меҳнаткашлар, ҳамма халқлар учун энг яхши намуна бўлади. Социалистик давлатларнинг иқтисодий куч-қудрати юксалиши билан бирга, уларнинг мудофаа қудрати ҳам мустаҳкамланиб боради.

Ўртоқлар! Жаҳон коммунистик ҳаракатининг баъзи бир муҳим ва актуал масалаларига тўхталиб ўтишга рухсат бергайсиз. Аввало, тинчлик учун, тинч-тотув яшаш учун кураш билан ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг ер юзида социализм ғалабаси учун олиб бораётган революцион кураши бир-бири билан боғланганлиги тўғрисида гапирмоқчиман.

Бизнинг давримизда шундай аҳвол вужудга келдики, тинчлик учун кураш социализм учун курашнинг энг муҳим шарти бўлиб қолди. Ишчилар синфининг революцион ҳаракатидаги, миллий озодлик ҳаракатидаги биронта проблемага энди уни тинчлик учун, жаҳон термоядро урушининг олдини олиш учун кураш билан боғламасдан қараб бўлмайди. Кариб денгизи районидаги сўнгги воқеалардан жаҳон коммунистик ҳаракатининг тактикаси учун чиқариб олиниши лозим бўлган муҳим сабоқ ҳам худди ана шундан иборатдир.

Тинчлик учун кураш социализм учун курашнинг энг асосий шарти бўлиб қолганлигини кўрсатувчи мисоллар ишчилар ҳаракати тарихида илгари ҳам бўлган эди. Октябрь социалистик революцияси даврида худди ана шундай аҳвол юз берган эди. В. И. Ленин бундай деган эди: «Қуйида келтирилган ҳақиқатдан, яъни: уч йиллик таланчилик урушидан қийналган халққа Совет ҳокимиятини, ер, ишчи контроли ва тинчликни берган ҳукуматнинг енгилмас эканлигидан ҳам шубҳасиз ва аниқ нарса бўлиши мумкинми? Асосий нарса — **тинчликдир»** (Асарлар, 27-том, 19-бет).

Большевиклар Россия халқларига тинчликни таъминлаб бердилар, уларни империалистик урушдан олиб чиқдилар ҳамда жуда кенг меҳнаткашлар оммасини социализм учун курашда Совет ҳокимияти теварагида жипслаштирдилар.

Давримизнинг хусусияти шундан иборатки, тинчлик учун кураш ишчилар синфининггина эмас, балки аҳоли бошқа барча қатламларининг ҳам ҳар қачонгидан кўра энг муҳим тарихий вазифаси бўлиб қолди. Тинчлик учун кураш бутун инсоннят манфаатларини ўзида гавдалантириб турибди. Термоядро урушининг хавфи мавжуд бўлган бир пайтда, энг турли-туман оммавий ҳаракатлардан ягона бир оқим вужудга келмоқда, бу оммавий ҳаракатлар инсониятни уруш ҳалокатидан халос қилиш йўлидаги умумий интилиш асосида бирлашишлари мумкин. Халқаро ишчилар синфи ва социалистик мамлакатлар ана шу оқимнинг етакчи ва ташкил қилувчи кучидир. Социализм мамлакатлари халқлар ўртасида кенг тарқалган тинчлик учун кураш шиорини шунчаким қувватлаганликлари учунгина бундай етакчи ва ташкил қилувчи куч бўлиб ҳисоблаётганликлари йўқ. Бунинг сабаби шуки, социалистик мамлакатларнинг объектив манфаатлари, жаҳон ишчилар синфи ҳаракатининг, миллий озодлик ҳаракатининг манфаатлари термоядро урушининг олдини олиш учун кураш билан чамбарчас боғланиб кетган.

Маркс ва Ленин босқинчилик урушларининг олдини олиш учун курашган эдилар. В. И. Ленин иккинчи Интернационал сафларида милитаризмга ва уруш хавфига, ўша вақтда пайдо бўлиб келаётган жаҳон империалистик урушининг хавфига кескин қарши чиққан эди. Давлат Думасига депутат бўлган большевиклар ленинча йўлни ўтказиб, ҳарбий бюджетга қарши овоз берган, урушга қарши чиққан, шунинг учун чоризм томонидан Сибирга каторгага сургун қилинган эдилар. Марксча интернационалистик позицияларда турган Карл Либкнехт ва Роза Люксембург урушга қарши қўлларидан келган ҳамма чоралар билан кураш олиб борган эдилар. Шундай бир факт ҳам маълумки, япон социалистларининг раҳбари Сен Катояма Япония билан Россия ўртасида олиб борилаётган империалистик урушга қарши норозилик белгиси сифатида, II Интернационал конгрессида рус социал-демократларининг вакили Г. В. Плехановнинг қўлини дўстона қисган эди.

Кўпгина тарихий фактлар Маркс, Ленин ва уларнинг издошлари адолатсиз босқинчилик урушларига қарши ҳормай-толмай кураш олиб борганликлари ҳамда ана шу урушга қарши позицияларда туриб, кенг халқ оммасини жипслаштирганликларидан далолат бермоқда.

Ҳозир ўзини марксчи-ленинчи деб атаётган баъзи бир одамлар тинчликни ҳимоя қилиш ва уруш хавфига қарши кураш ғўё марксизм-ленинизмнинг ҳуҳига хилофдир ва революцион ҳаракатни ривожлантиришга тўсқинлик қилади, деган гапларни айтмоқдалар. Ана шу одамларнинг гапига ишонилади-ган бўлса, В. И. Ленни, Карл Либкнехт ва Роза Люксембург, рус большевиклари марксист бўлмаган эканларда, чунки улар урушга қарши курашган эдилар. Революцион кураш тўғрисидаги марксистик таълимотнинг моҳиятини тушунмаган одамларгина шу хилдаги даъволарни айтишлари мумкин.

Маркс ва Энгельс яратган илмий социализм назарияси шундай фикрга асосланадики, капитализм ўз тараққиёти жараёнида жамият ичида юз берадиган ва кескинлашиб борадиган антагонистик зиддиятлар натижасида муқаррар суратда ҳалокатга учрайди.

Капиталнинг концентрациялашуви ва марказлашуви монополияларнинг вужудга келишига ҳамда капитализмнинг тобора кўпроқ чириб боришига сабаб бўлади, бу эса тағин ҳам юксакроқ ижтимоий тузумга — социализмга ўтиш учун шарт-шароитлар ҳозирлаб беради. Маркс таълим берганидек, тараққиёт жараёнида капитализм ишчилар синфи тимсолида ўзига гўрков вужудга келтиради.

Марксча-ленинча таълимотнинг тўғрилигини турмуш батамом тасдиқлади. Ана шу таълимотга мувофиқ, ишчилар синфи давлатлар ўртасида уруш бошлаб юбориш йўлларида эмас, балки эксплуататорларга қарши синфий курашда капитализм устидан ғалабага эришмоқда.

Тарих шундай йўлдан бордики, Россия пролетарияти биринчи жаҳон уруши жараёнида революциянинг ғалаба қилишига эришди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин бир қанча социалистик давлатлар бунёдга келди.

Империалистик мамлакатлар ўртасида урушлар бошланган вақтда империализмнинг ҳамма ички ва ташқи зиддиятлари кескинлашади, буржуа давлат аппарати тагидан зил кетади, айниқса ана шу урушларда мағлубиятга учраётган мамлакатларда ишчилар синфининг ғалабаси учун қулай вазият вужудга келади.

В. И. Ленин худди ана шу ҳолатларнинг ҳаммасини назарда тутиб, биринчи жаҳон урушининг бошларида империалистик урушни гражданлар урушига айлантириш тўғрисидаги ўзининг тарихий тезисини илгари сурган эди. Рус большевиклари, Россия ишчилар синфи аслида ҳам худди шундай қилдилар.

Лекин бундан Ленин бошлиқ большевиклар революция ғалабасига эришиш мақсадида давлатлар ўртасида уруш бошлаб юборишлар, деган маъно сира ҳам келиб чиқмайди. Бунинг аксича, Ленин, большевиклар урушга йўл қўймаслик учун ҳамма чораларни кўрдилар, лекин ана шу урушнинг олдини олишга кучлари етмай қолгач, ўшанда улар империалистик урушни гражданлар урушига айлантириб юбориш вазифасини ўртага қўйдилар.

Бу, янги чиққан назариячилар истаган нарсага сира ҳам ўхшамайди, бу назариячилар шундай бир «назария» яратишга уринмоқдаларки, ана шу назарияга кўра, давлатлар ўртасидаги уруш орқали, вайронгарчиликлар, миллионмиллион кишиларнинг қонини тўкиш ва ёстиғини қуритиш орқали социализм ғалабаси сари бориш мумкин эмиш. Башарти, коммунистлар, бундай «назария»га амал қилганларида эди, бу нарса халқ оммасини ўзига жалб қилиш бир ёқда турсин, уни коммунистлардан юз ўгиртириб юборган бўлур эди. Бундай «назария» хусусан бизнинг ракета-ядро замонамизда жирканарлидир. Марксчи-ленинчилар уруш ва тинчлик масалаларига ҳамиша катта эътибор бериб келдилар ва бу масалаларга ҳамиша конкрет тарихий нуқтаи назардан қараб келдилар. Уруш ва тинчлик масалаларини реал вазиятни ҳисобга олмасдан ҳал қилиб бўлмайди. Ҳақиқий фактларнинг юзига сергаклик билан қараш учун жўръаткор бўлиш ҳамда башарти ҳозирги замон урушининг олдини олишга муваффақ бўлинмаса, бу нарса нима оқибатларга олиб боришини фанга хос аниқлик билан тарозига солиб кўриш керак. Чет эл олимлари ва ҳарбий мутахассисларининг ҳисобларига кўра, ҳозирги вақтда, АҚШ нинг тахминан 40 минута ядро бомбаси ва атом билан зарядланган қуроллари бор. Маълумки, Совет Иттифоқи ҳам бундай бисотга керагидан ортиқча эгадир. Ана шу ядро қуролининг ҳаммаси одамларнинг бошига ёғдирилса, оқибати нима бўлур эди? Олимларнинг ҳисобларига кўра, дастлабки зарба натижасидагина 700—800 миллион киши ҳалок бўлган бўлур эди. Иккита етакчи ядро давлати — АҚШ билан СССР даги ҳамма йирик шаҳарларгина эмас, балки Франция, Англия, Германия, Италия, Хитой, Япония ва жаҳоннинг бошқа кўпгина мамлакатларидаги ҳамма йирик шаҳарлар ҳам ер юзидан супуриб ташланган ва вайрон қилинган бўлур эди. Атом-водород урушининг оқибатлари кишиларнинг кўпгина авлодлари ҳаёти давомида таъсир кўрсатиб, касалликлар, ажал уруғини соча берган, одамнинг ғоят ногирон бўлиб ўсишига сабаб бўлган бўлур эди.

Ана шу нарсаларнинг ҳаммасини бировларни қўрқитиш учун айтаётганим йўқ, балки илмфан ихтиёридаги маълумотларни айтиб ўтяпман, холос. Бу маълумотлар билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас.

Агар империалист лўттибозлар томонидан жаҳон термоядро уруши бошлаб юбориладиган бўлса, урушларни тўғдирувчи капитализм системаси мана шу термоядро уруши натижасида муқаррар ҳалок бўлур эдики, бунга ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Лекин, социалистик мамлакатлар, бутун дунёда социализм учун кураш ниши жаҳон термоядро урушидан манфаат кўрган бўлур эдими, ахир? Фактлардан онгли равишда кўз юмаётган кишиларгина шундай деб ўйлашлари мумкин. Марксист-ленинчиларга келсак, улар коммунистик цивилизация жаҳон маданияти марказларининг вайроналарида вужудга келтирилади, деб термоядро уруши натижасида вайрон бўлган ва термоядро қолдиқлари билан заҳарланган ер устида вужудга келтирилади деб ўйлашлари мумкин эмас. Кўпгина халқлар учун социализм масаласининг умуман аҳамияти қолмаслиги ҳақида гапириб ҳам ўтирмаймиз, чунки бу халқлар қиралиб, планетамиздан йўқолиб кетган бўлур эдилар.

Мен сизларга шу сирни айтмоқчиман: бизнинг олимларимиз 100 мегатоннали бомба яратдилар. Аммо, ҳарбийларимизнинг ҳисобларига кўра, 100 мегатоннали бомбани Европага ташлаш мумкин эмас: эҳтимол тутилган душман башарти уруш бошлагудай бўлса, бомбани қаерга ташлаш керак, Ғарбий Германиямиз ёки Франциямиз? Аммо бу территорияда шундай бомбанинг портлаши натижасида сизлар ҳам, бошқа баъзи мамлакатлар ҳам зарар кўриши мумкин. Шу сабабли биз бундай қуролдан фақат Ғарбий Европа доирасидан ташқаридагина фойдаланишимиз мумкин. Мен бу гапларни ҳозирги вақтда қандай мудҳиш вайронгарчилик воситалари мавжуд эканлигини реалроқ тасаввур қилиш учун айтяпман.

Бомбанинг 100 мегатоннлиги ҳам чегара эмас. Буни ҳарбий рационаллик жиҳатидангина чегара деса бўлади. Шу сабабли бундан ҳам кучлироқ вайронгарчилик воситалари уни ишлатмоқчи бўлганлар учун ҳам катта хавф туғдириши мумкин.

Хуллас, ўртоқлар, мен СССР Олий Советининг сессиясида қилган докладимда ҳам айтиб ўтган эдимки, нариги дунёга боришга шошилиш керак эмас: нариги дунёдан ҳеч ким қайтиб келгани йўқ ва нариги дунёда бу ердагидан яхшироқ яшайдилар, деб ҳеч ким хабар бергани йўқ. Бизга нариги дунёдаги ҳаёт эмас, мана шу дунёдаги ҳаёт керак, шу меҳнат ҳукмронлиги керак. Биз ана шунинг учун курашмоқдамиз ва бу йўлда ўз куч-ғайратимизни аямаймиз, курашамиз ва ғалаба қозонамиз.

Ракета-ядро қуролига эга бўлган Совет Иттифоқи бу қуролнинг имкониятларини яхши билади. Биз ўз Ватанимизни ва бошқа социалистик мамлакатларни ҳимоя қилиш манфаатларини қўлаб бу қуролни яратганмиз. Шу сабабли биз уруш ва тинчлик масалаларига масъулият билан қараймиз. Биз уруш бўлишини истамаймиз, лекин урушдан ҳам қўрқмаймиз. Агар бизни уруш қилишга мажбур этсалар, у ҳолда биз агрессорга жуда кескин зарба бера оламиз. Буни агрессорлар ҳам билади.

Уруш тўғрисида вайсаб, ўзининг нима тўғрисида вайсаётганлигини тушунмаётган киши бегуноҳ дейишади. Албания раҳбарлари ракета-ядро уруши тўғрисида кўп вайсамоқдалар, лекин бу нарса ҳеч кимни ташвишга солаётгани йўқ. Уларнинг вайсақиликдан бошқа кўнглида ҳеч нарса йўқлигини, уларнинг ҳеч қандай реал имкониятлари йўқлигини ҳамма билади. Кўриб турибсизки, бу масалаларда улар билан бизнинг мавқеимиз ва зиммамиздаги масъулият турличадир.

Турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши тўғрисида Ленин эълон қилган принципни биз бирдан бир тўғри принцип деб ҳисоблаб келдик ва ҳисоблямоқдамиз. Бу принципнинг аҳамиятини халқаро муносабатларнинг бутун практикаси тасдиқлаб берди ва тасдиқламоқда.

Тинч-тотув яшаш сиёсати ҳозирги замон шароитида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб қолди. Ҳамма томондан империалистик мамлакатлар қуршаб олган социалистик давлат жаҳонда яккаю-ягона бўлиб турган вақтда тинч-тотув яшаш сиёсати вақтдан ютишга, мамлакатимизда пролетариат ҳокимиятини мустаҳкамлаб ва социализм қурмоқ учун нафасни ростлаб олишга қаратилган сиёсат бўлган эди. Эндиликда урушнинг характери ўзгарганлиги, жаҳон миқёсида тинчлик ва социализм кучлари фойдасига кучларнинг янги нисбати вужудга келганлиги муносабати билан тинч-тотув яшаш сиёсатининг мақсади ва вазифаси анча катталашиб кетди, бу сиёсат аслини олганда, янги мазмунга эга бўлмоқда. Бу сиёсатнинг охирги мақсади — жаҳон иқтисодий мусобақасида социализмнинг капитализм устидан ғалаба қозониши учун энг қулай шароитни таъминлашдир.

Баъзи кишилар бизнинг марксча-ленинча позициямизни бузиб кўрсатиб, аҳволни шундай бир тарзда тасвирламоқдаларки, биз тинч-тотув яшаш сиёсатини эълон қилиш билан капиталистик мамлакатлардаги революцион кучларни, коммунистик партияларни синфий курашдан, ишчилар синфининг меҳнаткаш халқнинг ҳокимиятини ўрнатиш учун курашдан, халқларнинг миллий озодлик курашидан воз кечишга чақираётган эмишмиз. Бу — бемаъни уйдирма ва туҳматдир.

Совет Иттифоқи халқларнинг адолатли урушларини фақат ўзининг декларацияларида ва баёнотларидагина қувватлаётгани йўқ. Бизнинг бу қувватлашимиз берааётган моддий ёрдамимизда ҳам қайта-қайта ифодаланмоқда. Кўпгина халқлар ўзларининг озодлик курашларида бизнинг қуролимиздан фойдаландилар ва улар ғалаба қозондилар, мустамлакачилар асоратидан қутулишга муваффақ бўлдилар. Мустамлака халқларининг ўз озодликлари учун олиб бораётган урушлари муқаддас урушлардир ва биз ўз мустақиллигимиз учун жанг қилаётган халқларнинг томонида туриб келдик, ҳозир ҳам уларнинг томонида турибмиз ва бундан буён ҳам ҳамиша уларнинг томонида турамиз.

Социализмнинг уруш қилиш йўли билан ғалаба қилиши керак деб аталган назариянинг тарафдорлари социализмнинг ғалабаси учун тинч йўлдан фойдаланиш имкониятини ҳам инкор қилиб, бу йўл марксизмдан чекиниш бўлади, деб даъво қилмоқдалар. Сталин шахсига мухлис бўлган бу кишиларнинг эсига шуни солиб ўтиш керакки, Сталиннинг ўзи иккинчи жаҳон урушидан кейин инглиз коммунистлари билан бўлган суҳбатда социализмнинг ғалабаси учун тинч, парламент йўлидан фойдаланиш ҳақида гапирган эди. Бу ибора Буюк Британия Коммунистик партиясининг программасига ёзилган. Бу формулировка Сталин томонидан таклиф қилинганлигини Англия Компартиясининг раҳбарлари биладилар.

Албаниянинг раҳбарлари, КПСС фақат тинч йўлнигина тарғиб қилиб, қуролли кучлар йўлини рад этмоқда, деб даъво қилмоқдалар. Албания раҳбарларига бундай бир савол бериш ўринли бўлур эди: бирор мамлакатда революцион вазият вужудга келганида шу мамлакатнинг коммунистлари кўзғолон кўтармоқчи бўлганларида КПСС қуролли кураш методидан фойдаланишга қарши чиқди, деб ҳисоблаган бирор мамлакатнинг коммунистик партиясини Албания раҳбарлари кўрсатиб бера оладиларми? Эҳтимол, албанларнинг ўзида шундай мисол бордир? Йўқ, улар бундай мисолни келтира олмайдилар, чунки бундай мисол бўлган эмас.

Албания раҳбарлари, ўзлари хоҳлаган вақтда революцияни сунъий равишда вужудга келтириш мумкин, деб революция қилмоқ учун зарур объектив ва субъектив шарт-шароитнинг ҳожати йўқ, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг «назариясига» кўра, ҳамма нарса жуда оддий равишда рўй беради: қаҳрамонлар пайдо бўлади-ю, улар келиб кўзғолон кўтара берар эмиш. Лекин тарихда бундай фактлар бўлган эмас ва бўлмайди. Агар шу нарса «назария» деб айтиладиган бўлса, бундай «назариянинг» марксизмга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

КПСС га келганда, биз марксизм-ленинизм позициясида турибмиз. Революциянинг ғалабаси учун муайян шарт-шароит бўлиши зарур. Агар революцион вазият вужудга келган бўлса, ишчилар синфи ўз авангардининг бошчилигида ҳокимиятни қўлга олмоқ учун бу вазиятдан фойдаланиши лозим. Агар эксплуататор синфлар халққа зўрлик қилиш йўлини тутадиган бўлсалар, у ҳолда халқ энг кескин воситаларни қўлланишга, шу жумладан социализм ғалабасининг манфаатларини қўлаб қуролли кураш бошлашга ҳам ҳақлидир.

Капитализм мамлакатларидаги кураш — ҳар бир мамлакат ишчилар ҳаракатининг ички масаласидир. Бошқа давл

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ

(Боши 1, 2, 3-бетларда).

Ишчилар синфи авангардининг пишиқ тактикасини кўрсатувчи яққол мисол, қурашнинг ҳамма формаларини, ҳам тинч формаларини, ҳам нотинч формаларини эгаллаб олишнинг намунаси, бир формани иккинчи форма билан жуда тез ва кутилмаган равишда алмаштира билишнинг намунаси мана шу.

Революция — кенг халқ оммасининг ўзи қиладиган ишдир. Ҳар бир мамлакатнинг ишчилар синфи, меҳнаткаш халқи фақат ўзининг революцион тажрибасида революцияни амалга оширишга тайёрланади. Россия пролетариатининг озодлик курашига бой бўлган тарихида революцион арбоблар-нинг халқ оммасининг курашини назар-писанд қилмасликка уринишлари сингари мисоллар бўлган. Россияда буржуа-помещиклар тузумига қаршн қаратан аввал бошда якка-ёлғиз кишилар, қаҳрамонлар — народоволецлар, бакунинчилар, кропоткинчилар олиб борди. Улар халқ оммасининг революцион ҳаракатини тайёрлашнинг тарихан зарур босқичини сакраб ўтишга уриндилар.

Бундай кишилар қўлга болта олиб, ҳокимият намояндаларига қарши террор қилиш керак, мана шунинг ўзи революциянинг муваффақиятини таъминлайди, деб ҳисобладилар. Улар қаҳрамоннинг ўзи революция қилиш ва ўз қони билан халқни бахтиёр қилиши мумкин деб ўйлаб. фитналар, подшоларга суиқасдлар қилиш ва подшоларни ўлдириш тайёргарлигини кўрдилар. Халқимизнинг кўпгина энг яхши фарзандлари, халқимиз интеллигенциясининг гули мана шундай самарасиз курашда ҳалок бўлди. Сизларга маълумки, В. И. Ленининг акаси Александр Ульянов мана шундай йўлдан борди ва подшога суиқасд қилганлиги учун қатл этилди. Владимир Ильич ўз акаси қатл этилган кунда: — Биз бошқача йўлдан борамиз, деб айтган эди. Ишчилар синфи партиясининг раҳбарлигида оммаиинг қураш олиб бориш йўлигина ғалабани таъминлаши мумкин. Яккаёлғиз қаҳрамонлар чиройли ўлим топишлари мумкин-у, лекин улар социал-сиёсий тузумни ўзгартиришга, революциянинг ғалабасига эришишга ҳам қодир бўла олмайдилар.

Революциянинг чинакам ғалаба қила олиши учун революцион вазият етилган бўлиши керак, революция зарурлигини тушуниш халқ орасида, унинг авангарди орасида — капиталистик дунёдаги энг ўюшган куч бўлган ишчилар синфи орасида етилган бўлиши керак. Бир-иккита дадил, ақлли, революция ишига садоқатли арбоблар бўлса, шунинг ўзи революциянинг ғалабасини таъминлаш учун кифоя қилади деб ўйлаш енгилтаклик бўлур эди. Эксплуататор синфларнинг ҳукмронлигини ағдариб ташламоқ учун айрим қаҳрамон шахсларнинг эмас балки революцион партия бошчилигидаги кенг халқ оммасининг фаолияти керак, революциянинг етилиши, капитализмга штурм қилиниши ва ишчилар синфининг ғалабаси учун, ҳокимиятнинг меҳнаткашлар қўлига, халқ қўлига ўтиши учун конкрет шарт-шароит бўлиши керак.

Ўртоқлар! Жаҳон коммунистик ҳаракатининг сафларини мустаҳкамлаш бутун дунёда тинчлик ва социализм учун қурашдаги муваффақиятларимизнинг энг муҳим шартидир. Революцион кучларни халқаро миқёсда бирлаштиришнинг, ҳаракатимизнинг ҳамма отрядлари бирдам бўлишининг аҳамияти нақадар улуғлигини ҳамма коммунистлар аниқ ва равшан тушуниб олишлари керак.

Муштарак идеология—марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми принциплари бирлигимизнинг негизидир. Ҳамма мамлакатлардаги пролетариат синфий манфаатларининг, ҳамма меҳнаткашлар манфаатларининг муштараклиги, ишчилар синфининг халқаро вазифаларини тўғри, марксча-ленинча тушуниш, улуғ ишимизнинг ҳақ иш эканлигига ва социализмнинг жаҳон миқёсида ғалаба қилиши муқаррарлигига бўлган астойдил ишонч бизни жипслаштириб турган асосий кучдир.

Бизнинг бурчимиз шуки, барча революцион кучларни жипслаштиришимиз, коммунистик ҳаракатни чиниқтиришимиз ва ғоявий жиҳатдан қуроллантиришимиз керак. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси жаҳон коммунистик ҳаракатининг бамаслаҳат келишиб олинган умумий йўлига қаттиқ амал қилиб келмоқда. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси марксчи-ленинчи партиялар вакилларининг 1957 йилдаги ва 1960 йилдаги Кенгашларида ишлаб чиқилган платформада туриб келди ва ҳамиша шу платформада туради.

Ўз-ўзидан маълумки, турли мамлакатларнинг коммунистлари айрим ва, ҳатто жуда муҳим масалаларни турлича тушунишлари мумкинлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Инсониятнинг учдан бир қисми учун марксизм-ленинизм таълимоти халқлар турмушидаги практика бўлиб қолди. Бир миллиарддан кўпроқ киши янги турмуш қурмоқда, социализм қуришда ажойиб натижаларга эришмоқда.

Жаҳон социализм системасининг мамлакатлари янги жамият қурилишининг турли босқичларида турибдилар. Уларнинг ташқи дунё билан муносабатларни ривожлантиришдаги тажрибалари ҳам ҳамма масалаларда бир хилда эмас. Мана шуларнинг ҳаммаси баъзи проблемаларга турлича ёндошишнинг рўй бериши учун имконият туғдиради. Гарчи бу унчалик ёқимли ҳол бўлмаса-да, лекин бу билан реал факт деб ҳисоблашишга тўғри келади.

Англашилмовчиликлар туғилиши мумкин ва бу англашилмовчиликлар турмушда пайдо бўлиб туради, лекин шуни унутмаслик керакки, коммунистик ва ишчи партиялар ўртасида пайдо бўлади-ган англашилмовчиликлар жуда ҳам вақтинча ва ўткинчи бир ҳолдир, аммо социалистик мамлакатлардаги халқлар ўртасидаги муносабатлар ҳозирнинг ўзидаёқ абадий муносабатлар бўлиб қолмоқда. Шу сабабли, қардош партиялар ўртасидаги муносабатлар, айниқса социал-иқтисодий тузумнинг умумийлиги негизига қурилган ва коммунизм қуришни ўз олдига вазифа қилиб қўйган социалистик давлатлар ўртасидаги муносабатлар фақат асосий бир нарсага, яъни бизни бирлаштириб турган нарсага асосланиб қурилиши мумкин ва лозим. Бошқа ҳамма нарса бунга нисбатан оқибат натижада жузъий аҳамиятга эгадир.

Шу сабабли, англашилмовчиликлар туғилган вақтда жазава тутиб кетишига йўл қўйиш ярамайди. Сабрли бўлиш, масаланинг айтиш мумкинки, томирига қараш, энг муҳим нарсани кўра билиш керак. Қардош партиялар, айниқса социалистик мамлакатларнинг партиялари амалга ошириш учун курашаётган умумий иш — социализм ва коммунизм қуриш иши эса шу партиялар учун энг асосий масаладир.

Капиталистик мамлакатлардаги коммунистик ва ишчи партиялар ўз мамлакатларининг ичида капиталга қарши кураш олиб бораётган бўлсалар ва бу қурашни ишчилар синфини ҳамда бутун меҳнаткаш халқни жипслаштириш асосида олиб бораётган, шу курашда меҳнатнинг капитал устидан ғалабасини тайёрлаётган бўлсалар, социалистик мамлакатларда эса, коммунистик партиялар-нинг марксизм-ленинизмни ривожлантиришга қўшаётган амалий ҳиссаси шундан иборатки, улар марксизм-ленинизм назарияси асосида вужудга келтирилаётган социализмнинг халққа бераётган афзалликларини амалда кўрсатиб беришлари, социалистик жамиятни муваффақият билан қуришлари керак. Социалистик мамлакатларнинг ҳар қайсисида социализмни муваффақиятли қуриш империалистик давлатларга қарамақарши бўлиб турган бутун жаҳон социалистик системасини мустаҳкамлайди.

Меҳнаткашлар эксплуататорларни ағдариб ташлаб ва ўз давлатларида меҳнат ҳокимиятини ўрнатиб, қандай муваффақиятларга эришишлари мумкинлигини бутун дунёнинг ишчилар синфи социализм мамлакатлари намунасида кўриб, бунга яққол ишониш имкониятига эгадирлар. Социализм ва коммунизм қуришда бизнинг муваффақият билан олға бораётганлигимиз халқаро ишчилар синфининг эксплуататорларга қарши курашдаги узил-кесил ғалабасини жадаллаштиради.

Биз мана шуларнинг ҳаммасини тўғри тушуниб олишимиз ва буларга тўғри баҳо беришимиз, у ёки бу хил масалаларга доир келишмовчиликлар бўлганида субъективизмга йўл қўймаслигимиз лозим.

Башарти, идеологияга доир бирон-бир масалада, эҳтимолки, ҳатто жуда муҳим масалада келишмовчилик пайдо бўлган тақдирда ҳам, шу масалани тўғри тушунишга эришмоғимиз зарур. Бунда биз ҳаддан ташқари чиқиб кетмаслигимиз ва у ёки бу мамлакатдаги умумий аҳволга баҳо беришда субъективизмга йўл қўймаслигимиз лозим. Масалан, у ёки бу социалистик мамлакатдаги сиёсий тузумнинг характерини шу мамлакатдаги раҳбарларнинг бир оз вақт устунлик қилган хато қарашларигагина асосланиб белгилаш ярамайди. Субъектив факторлар эмас, балки объектив факторлар асосий кўрсаткич бўлиши лозим. Бу эса, аввало, ишлаб чиқариш воситалари кимнинг қўлида, ҳокимият кимнинг қўлида эканлиги, давлатнинг ривожланиши қандай йўлдан бораётганлиги ҳақидаги масаладир.

Башарти, биз у ёки бу масаларда келиша олмай, аразлашиб қолиб, дарҳол шундан кейин раҳбарлари бирор масалада бизнинг фикримизга қўшилмаган социалистик мамлакатни социалистик мамлакат эмас деб айтсак, мана шунинг ўзи чинакам субъективизм бўлади. Черков доираларида бўлгани сингари ҳол рўй беради: агар бирор киши черковнинг расм ва русмларини бажо келтирмай қўйса, уни диндан чиқди деб эълон қиладилар, унга лаънат ўқийдилар. Черков аҳлларига ўхшаш ва социализмдан «чиқариб юбориш» билан шуғулланиш бизга ярашмайди.

Идеология характеридаги баъзи масалалар устида, масалан, Югославия билан бизнинг ўртамизда келишмовчиликлар бор, лекин фақат шунга асосланиб, бу мамлакат социалистик мамлакат эмас, деб даъво қилиш ярамайди. Бундай қилиш шунинг учун ярамайдики, Югославиядаги мавжуд тузумнинг объектив кўрсаткичлари социалистик кўрсаткичлардир. У ерда-ги ишлаб чиқариш воситалари ва Югославия халқларининг қаҳрамонона курашда қўлга киритган ҳокимияти меҳнаткашлар қўлидадир, у ерда помещиклар, банкирлар, капиталистлар йўқ. Югославия халқлари социализм ва коммунизм қуриш учун курашмоқда. Хўш, Югославияни социализмдан «чиқариб юбориш», уни социалистик давлатлар қаторидан чиқариш учун қандай асослар бор?

Албания Меҳнат партиясининг раҳбарлари билан бизнинг ўртамизда катта келишмовчиликлар бор, — хўш, биз мана шу субъектив мулоҳазаларга асосланиб, Албанияни социалистик мамлакат эмас деб эълон қилишимиз керакми! Бундай қилиш нотўғри, субъектив йўл тутиш бўлур эди. Албаниянинг раҳбарлари гарчи энг муҳим бир қанча масалаларни тушунмаётган бўлсаларда, ва биз бу билан курашаётган бўлсакда, биз Албанияни социалистик мамлакат деб, унинг халқи социализм ғалабаси учун курашда чинакам қаҳрамонлик кўрсатди, деб ҳисоблаймиз.

Биз, коммунистлар ҳокимиятни эгаллаш сари бораётган вақтимизда, бир миллатнинг иккинчи миллат устидан ҳукмронлигини абадий тугатадиган ҳамда миллатларнинг чинакам якинлашувини ва бирлигини таъминлайдиган тузум барпо қиламиз, деб ишчилар синфига, барча меҳнаткашларга ваъда берган эдик. В. И. Ленин бундай деб ёзган эди: «Эски дунёга, миллий зулм, миллий низолар ёки миллий айримлик дунёсига ишчилар ҳамма миллат меҳнаткашларининг бирлашган дунёсини қарши қўядиларки, бу дунёда биронта ҳам имтиёзга, кишини кишининг заррача ҳам эзишига ўрин бўлмайди». (Асарлар, 19 том, 79-бет).

Социалистик мамлакатлар халқларининг бирлиги ва жипслиги тўғрисида Ленин васиятларини қанчалик муваффақиятли равишда амалга оширишимиз ўзимизнинг куч ва ғайратимизга, коммунистик партиялар ва уларнинг раҳбарлари халқлар олдидаги ўзларининг юксак масъулиятларини тўғри тушунишларига боғлиқ.

Социалистик жамиятимизнинг биносини тахт қилиб қўйилган қурилиш майдонида эмас, балки эксплуататорлар ифлос қилиб ва ивирситиб қўйган заминда қуришга тўғри келмоқда. Миллатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлардан кўра мураккаброқ масала йўқ. Эксплуататор синфларнинг асрлар ва минг йиллар давом қилган ҳукмронлиги бу муносабатларга шу қадар ишончсизлик, шу қадар ҳусумат, шу қадар нафрат ва адоват, шу қадар алам ва ситам киритганки, миллатлараро муносабатларнинг мураккаб чигалларини қадамба-қадам, чидам ва сабот билан ечмоқ ҳамда халқларни битта қардош оилада жипслаштиришга ёрдамлашмоқ учун ҳақиқатан ҳам ниҳоят даражада катта куч ва ғайрат сарфлаш керак.

Социализм мамлакатлари бу соҳада, айниқса КПССнинг XX съездидан кейин ўтган йиллар ичида нақадар зўр муваффақиятларга эришганликларини биласиз. Сталин даврида социалистик мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда бўлган хатоларни Совет Иттифоқининг ташаббуси билан партиямиз тугатди.

Сталин фақат мамлакатимизнинг ичидагина эмас, шу билан бирга халқ демократияси мамлакатлари билан ўзаро муносабатларда ҳам миллий масалада жиддий хатоларга йўл қўйди. Бошқа марксчи-ленинчи партиялар сингари бизнинг партиямиз ҳам Сталин шахсига сиғинишни қатъиқ танқид қилиб, Сталин йўл қўйган хатоларни тузатди. Бунинг натижасида, социалистик ҳамдўстлик ичидаги сиёсий атмосфера анча тоза бўлиб қолди, социалистик мамлакатларнинг манфаатларига тааллуқли масалалар ўзаро фикр олишиш асосида, демократия ва пролетар интернационализми руҳида ҳал қилинмоқда. Социализм мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар — иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатлар-мустаҳкамланди ҳамда тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаатдорлик ва ўзаро ёрдам принциплари асосида ривожланмоқда.

Жаҳон коммунистик ҳаракатининг бамаслаҳат келишиб олинган йўлига қаттиқ амал қилиб келдик ва амал қилмоқдамиз. Тинчлик ва социализм учун курашнинг принципиал масалаларида ҳеч кимга ён берганимиз йўқ ва ён бермаймиз. Марксизм-ленинизмдан ҳар қандай чекинишларга қарши, ҳам ўнг оппортунизмга ва ҳам сўл оппортунизмга қарши, ҳам ревизионизмга, ҳам догматизмга ва сектантчиликка қарши кураш олиб бордик ва кураша берамиз. Фақат мана шундай кураш олиб бориш йўли билангина сафларимизни чинакам мустаҳкамлаш, ҳозирги замоннинг туб проблемаларини ҳал қилишда ижодий йўл тутишга эришиш, коммунистик ҳаракатнинг янги муваффақиятларини таъминлаш мумкинлигига аминмиз.

Лекин бизнинг бутун курашимиз коммунистик ҳаракатнинг бирлигини марксизм-ленинизм асосида тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлашга, бу ҳаракатнинг бутун дунёдаги ғаъсирини кучайтиришга қаратилган. Биз бу курашни чинакам ленинча позицияда туриб, империализмга қарши курашчилар фронтини кенгайтириш тўғрисида ғамхўрлик қилиб олиб бормоқдамиз.

Албания Меҳнат партиясининг раҳбарлари билан ўзаро муносабатларимизда бизнинг партиямиз нақадар чидам билан ва бардош бериб иш олиб борганлиги ҳаммага маълум. Улар келишмовчиликлар бошланган пайтданоқ КПССга нисбатан очиқдан-очиқ душманлик позициясига ўтиб олганликларига қарамай, биз неча марта ташаббус кўрсатиб, низоли масалаларни бартараф қилмоқ учун музокаралар олиб бориши ва, айниқса бошқа мамлакатларнинг ишларига аралашмаслик одати вужудга келди. Ташқи сиёсат масалаларида, жаҳон ишчи ва коммунистик ҳаракатига тааллуқли масалаларда ҳам баъзан воқеаларга турлича қараш, воқеаларни турлича тушуниш пайдо бўлиб қолади. Бундай ҳолларда, албатта, нуқтаи назарларда маълум тафовут бўлиши мумкин, тўғри, бамаслаҳат йўлни келишиб олишга қаратилган бахслар бўлиши мумкин. Лекин бу ишда бардош бериш ва чидамли бўлиш айниқса зарур.

Бизнинг партиямиз Марказий Комитети коммунистик партиялар ўртасидаги мунозарани, партиларимиз ичида бошқа партияларни танқид қилишни ҳозирги вақтда тўхтатиш ва ховурдан тушиш учун дегандек, бунақа мунозара ва танқидларни маълум бир вақтгача тўхтатиб туриш фойдали бўлур эди, деб ҳисоблайди.

Баъзи ўртоқлар етилган масаларни муҳокама қилмоқ учун барча қардош партияларнинг кенгашини чақириш керак, деган масалани қўймоқдалар. Бизнинг партиямиз бундай кенгашларни ўтказишга ҳамиша тарафдор бўлиб келди. Шу билан бирга, биз, агар бундай кенгаш дарҳол чақириладиган бўлса мавжуд келишмовчиликларни муваффақиятли равишда тугатишга умид камроқ бўлса керак, деб ўйлаймиз. Ҳозирги вақтда бундай кенгаш келишмовчиликларни осойишталик билан ва оқилона бартараф қилишга олиб келмасдан, балки бу келишмовчиликларни кескинлаштиришга ва ажралиш хавфини туғдиришга олиб келган бўлур эди. Курашнинг ўз мантиқи борлигини, сиёсий эҳтиросларнинг ўзи турганлигини унутиш ярамайди.

Совет коммунистлари — барча коммунистик ва ишчи партияларнинг бирлигига содиқ ва қатъий тарафдор бўлган, умумий кучларимизни марксизм-ленинизм асосида жипслаштиришга тарафдор бўлган коммунистлардир. Шунинг учун ҳам биз низоли масалалар устида матбуотда бўлаётган мунозарани ишчилар синфининг манфаатларини, келажагимиз манфаатларини кўзлаб ҳозирги вақтда тўхтатиш оқилона иш бўлур эди, деб ҳисоблаймиз. Буни вақтга ҳавола қилайлик. Ким ҳақ эканлигини, ким эса янглишаётганлигини тушуниб олишга вақтнинг ўзи ёрдам беради. Яна бунинг устига мана шу вақт ичида қалашиб қолган, тасодифий нарсаларнинг ҳаммасини йўқотиш керак. Ана ўшанда муваффақиятлироқ гаплашиб, бир фикрга келиш, босиб ўтилган йўлни якунлаш, жаҳон коммунистик ва ишчи ҳаракати тараққиётининг туб масалаларига доир битта нуқтаи назарни ифодалайдиган умумий қоидаларни ишлаб чиқиш мумкин бўлиб қолади.

Жаҳондаги коммунистик ва ишчи партиялар халқаро социализмнинг тақдири учун, инсониятнинг тақдири учун ўз зиммаларидаги жуда катта масъулиятни яхши биладилар ва улар сафларимизнинг бирлигини ва жипслигини марксизм-ленинизм асосида мустаҳкамлашга ҳалақит бераётган нарсаларнинг ҳаммасини йўлимиздан олиб ташламоқ учун ўз кучларини аямайдилар.

Азиз ўртоқлар! Партиямиз ўртасида — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Германия Бирлашган социалистик партияси ўртасида — барча принципиал масалаларга қарашларимизда тўла бирлик борлигини бугунги кунда қайд қилиш биз учун айниқса қувончлидир.

Биз зўр мамнуният билан яна шуни ҳам айтишимиз мумкинки, Совет Иттифоқининг ва Германия Демократик Республикасининг раҳбар арбоблари ўртасида ҳамда шахсан совет раҳбарлари билан Вальтер Ульбрихт, Отто Гротеволь ўртоқлар ва Германия Демократик Республикасининг бошқа раҳбарлари ўртасида дўстона, чинакам қардошлик муносабатлари вужудга келди. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда туғилаётган ҳамма масалалар устида, шунингдек халқаро аҳвол масалалари устида ҳам бизнинг ўртамизда ҳамиша тўла ҳамжиҳатлик бўлиб келди ва бўлиб турибди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Германия Бирлашган социалистик партияси ўртасидаги қардошлик муносабатлари Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикаси халқлари ўртасида бузилмас дўстлик ўрнатишда ҳал қилувчи роль ўйнади.

Дўстлигимизни — партияларимизнинг, халқларимизнинг дўстлигини, барча социалистик мамлакатлар халқларининг дўстлигини тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамламоқ учун бундан буён ҳам ҳамма чораларни кўришни биз ўзимизнинг олий бурчимиз деб ҳисоблаймиз!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг делегацияси, совет коммунистлари, барча совет кишилари номидан сизларга яна бир марта энг яхши истакларимизни топширишга ижозат бергайсиз. Биз немис дўстларимизга социализм қуришда, тинчлик ва халқингизнинг, жаҳондаги ҳамма халқларнинг бахт-саодати учун курашда чин кўнгилдан муваффақиятлар ва қайта-қайта муваффақиятлар тилаймиз.

(Ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитетининг Германия Бирлашган социалистик партияси VI съездига юборган табрикномасини ўқиб эшиттиради. Съезд делегатлари ва меҳмонлар КПСС Марказий Комитетининг табрикномасини зўр эътибор билан тингладилар. Залда узоқ давом этган гулдурос қарсаклар бошланади).

Яшасин Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларининг синалган раҳбари — Германия Бирлашган социалистик партияси!

Яшасин совет ва немис халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

Бутун дунёда тинчликнинг мустаҳкам таянчи — социалистик мамлакатларнинг қудратли ҳамдўстлиги мустаҳкамлансин ва ривожлана берсин!

Яшасин улуғ ғолибона таълимотимиз — марксизм-ленинизм!

(Н. С. Хрушчевнинг нутқи гулдурос, давомли қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди).

* * *

Сўнгра Н. С. Хрушчев съездга мурожаат қилиб, бундай деди:

Азиз ўртоқлар! Партиямиз Марказий Комитети номидан, мамлакатимизнинг ҳамма коммунистлари ва бутун совет халқи номидан, делегацияимиз номидан сизнинг партиянгиз VI съездига партиямиз асосчиси, барча мамлакатлар меҳнаткашларининг улуғ йўлбошчиси ва устози Владимир Ильич Ленининг скульптура портретини топширишга ижозат бергайсиз.

Илмий коммунизм асосчилари Маркс ва Энгельс ватани бўлган Германия коммунистларига бу совғани топширганлигим билан ғоят хурсандмиз. Абадий барҳаёт Ленининг образи социализм ва коммунизм қурилишида, марксизм-ленинизм ғояларининг тантанаси учун курашда ҳаммамизни янги ғалабаларга илҳомлантирсин! **(Гулдурос, давомли қарсаклар. Залда овация яна кучайиб кетади).**

1863 К. С. Станиславский 1963

Бутун дунёда санъат ва маданият арбоблари буюк саҳна реформатори, Москва Художественний театрининг асосчиларидан бири, ажойиб артист ва режиссёр, педагог ва назариётчи Константин Сергеевич Станиславскийнинг туғилган кунига юз йил тўлишини нишонламоқда.



Илғор социалистик маданиятнинг буюк вакили бўлган Константин Сергеевичнинг мероси бутун жаҳон театри санъати прогрессив арбобларининг мулкига айланди.

Мамлакатимизда Станиславский туғилган куннинг юз йиллиги юбилейини нишонлаш жуда катта аҳамият касб этмоқда. Чунки совет театр маданиятининг, айниқса ҳар бир миллий театрнинг ривожланишида илғор рус театрининг роли каттадир. Рус театри эса К. С. Станиславский услубига асосланган.

Бу услуб реалистик саҳна санъатининг илмий асосидир, актёрни тарбиялаш ва унинг ижоди тўғрисидаги материалистик таълимотдир. Станиславский услуби рус театр санъати илғор демократик традицияларининг давоми ва ривожидир. Шу билан бирга бу услубда барча халқларнинг реалистик театри усталарининг энг яхши тажрибалари мужассамланган.

Совет театри санъати арбоблари Станиславский услубини ҳақли равишда ўзларининг умумий бойликлари деб ҳисоблайдилар. Станиславский, у билан бирга илғор театрларимиз, энг яхши актёрлар ва режиссёрлар кучи билан оригинал совет театри системаси яратилди. Станиславскийнинг ўзи бу услубнинг чинакам автори ҳаёт, турмуш эканлигини кўп марта таъкидлаган эди.

Станиславский услубининг самарали таъсири Совет Иттифоқидаги барча республикалар драматик театрларига ёйилмоқда. Нима учун рус театри арбобининг ижодий методи саҳна традициялари шаклланган Украина, Грузия, Озарбайжон, Арманистон театрларининг янада ривожланиши учун ҳаётий зарурат бўлиб қолди? Халқлари Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар ўз миллий театрларига эга бўлмаган республика ва автоном областларда янги ташкил этилган театрларнинг ўз йўлини топиб олишида нима учун рус театр услуби зарурат бўлиб қолди?

Улуғ рус халқининг илғор маданиятининг самарали таъсири натижасида кўп миллатли Совет маданияти ривожланмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Совет республикаларидаги ҳар қандай театр учун ҳам фақат бир ижодий тараққиёт йўли — реализм йўли бор. Илғор рус театрининг саҳна реализми тажрибаси эса Станиславский услубида тўла умумлаштирилган ва ўрганилган.

Ҳозирги вақтда миллий коллективлар томонидан К. С. Станиславский услубини янада чуқурроқ ўзлаштириш масаласи партиямиз янги Программасида илғари сурилган санъатда интернационаллик ва миллийлик проблемаси билан бевосита боғлиқдир. Коммунизм қуриш даврида санъатни ривожлантиришнинг қонуни бўлган миллатлараро бадиий бойликларни алмаштириш миллий театрларда интернационал аҳамиятга эга бўлган рус театри санъати ютуқларини ўз миллий хусусиятлари, халқнинг прогрессив бадиий традициялари билан боғлаган ҳолда ўрганишни тақозо этади.

Реализм, ғоявийлик ва халқчиллик, этика ва ўз-ўзини танқид — Станиславскийнинг ижодий методи ана шулардан иборатдир. Актёр ва режиссёрнинг роль устида, спектакль яратиш устида олиб борадиган ишининг ижодий процессини ташкил этишнинг ғоявий-эстетик асослари ана шулардан иборат.

Станиславский санъатда тушиниб бўлмайдиган воқеалар йўқ, инсон ижодининг энг нозик ва мураккаб процессларини ҳам тушунишга қодир деб ҳисоблаб, идеалистик эстетика вакиллари санъатга хос деб ҳисоблайдиган мистик тушунчаларни улоқтириб ташлади. Театр тажрибасига таяниб у санъат қонуниятлари ўз моҳияти жиҳатидан ҳаётнинг қонуниятларидир, деган хулосага келди. Шунинг учун ҳам Станиславский актёр ижоди услубини яратар экан, ҳаётни, жамият тараққиёти қонуниятлари моҳиятини ва инсоннинг хатти-ҳаракатини чуқур ўрганишга уринди. У — саҳна санъатининг илғор назариясини яратишнинг бирдан-бир тўғри йўли эди.

Станиславскийнинг хизмати шундан иборатки, театрда ижодий процессни ташкил этишнинг бутунлай янги методологиясини белгилаб берди, актёрни театр санъатининг ижтимоий аҳамиятига қараб ўз устида ишлашга ўргатди. Янги типдаги актёрни тарбиялаш ана шундан келиб чиқади. Ҳаётимизнинг қаҳрамонона даври, деб таъкидлаган эди у, бошқача актёрни талаб қилади. Бу қоида Станиславский театр этикасининг характери ва йўналишини кўрсатиб турибди. Бу қоида Станиславский ижодий услубининг ажралмас бир қисмидир.

Совет театри ўз саҳнасида янги воқеликни тўғри акс эттириши, коммунизмнинг улуғ идеялари амалга оширилишининг жаҳоншумул тарихий процессини кўрсатиши керак. Станиславский бу вазифани жуда масъулиятли эканини англаб, янги даврни тушунибгина қолмай, балки ана шу даврнинг илғор кишиси бўла оладиган янги актёрни тарбиялаш тўғрисидаги талабни ўртага қўйди.

Янгиликни сеза билиш Станиславский характерининг ўзига хос томони эди. У санъатда хотиржамликдан, ижодий баҳс юритишга эҳтиёж сезмасликдан, фақат курашгина ғалабага олиб боришини унутиб қўйишдан ёмон нарса йўқ деб ҳисоблади.

Станиславскийнинг ижодий методи чинакам ижодга лаёқатли, инсоннинг ички ҳаётини чуқур ва бутун жилвалари билан биргаликда бадиий формаларда ифодаларни қилиб кўрсатиб бера оладиган актёрларни тарбиялашда ёрдам бермоқда. Станиславскийнинг актёр олдига қўйган талаби катта. У саҳнада ҳаракат қилишни, интилишни, инсонларча фикр юритишни, яъни образ ҳудди ҳаётдагидай бўлишини талаб қилади. Кечинмалар санъати — бу маълум мақсад йўлида саҳнада актив ҳаракат қилиш санъатидир. Театрда ҳамма нарсани ҳаракат ҳал қилади. Актёр саҳнада юз бераётган воқеа процессида ҳаракат қилиб, ўзи тасвирлаётган киши характерини очиб бериш, ғоявий фикрни томошабинга етказиш учун саҳнага чиқади. Бу назария Станиславский ҳақиқатдан ҳам саҳна санъатининг материалистик назариясини яратганлигини кўрсатиб турибди.

К. С. Станиславский таълимотининг бу принцип ва қоидалари театрларимизнинг ҳар бирига, шу жумладан Ўзбекистондаги рус, ўзбек ва қорақалпоқ театрларига ҳам тегишлидир.

Ҳамза номли театрнинг ўн беш йиллиги нишонланаётган кунларда К. С. Станиславский театр коллективига табрикнома юборган эди. Улуғ санъаткор ана шу табрикномада қуйидагиларни ёзган:

«Пролетар революциясы туфайли вужудга келган ўзбек драма театри ўн беш йил ичида гуллаб-яшнаб кетди, ижодида ўз Ватанининг кўп қиррали санъатининг барча гўзалликларини сақлаб қолган ҳолда унинг ўтмиши ва ҳозирги кун учун курашини гавдалантирди.

Театр ҳозирги замон саҳнаси ютуқларига эътибор билан қулоқ солди, улардан ўз миллий хусусиятларига мувофиқлаштириб фойдаланди ва замонамизнинг катта санъатини яратиш сари дадил борди».

Ҳамза театри ишига берилган бу катта баҳода унинг ўн беш йиллик фаолиятига якун ясалиб-гина қолмай, театр тараққиёти программаси ҳам белгилаб берилган.

Ўзбек театри ленинча партиявийлик принципига асосланган ва К. С. Станиславскийнинг табригида ифодаланган йўлдан бориб катта муваффақиятларни қўлга киритди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон маданият арбобларининг 1959 йил февралида «Правда» газетасида эълон қилинган хатида «Ўзбек миллий санъати улуғ рус халқи маданиятининг самарали таъсири остида ривожланди» деб кўрсатилгани бежиз эмас. Ўзбек театри улуғ рус халқи ва бошқа барча совет халқлари маданиятининг самарали таъсири остида янада гуллаб-яшнайверади.

Олим ХЎЖАЕВ,
СССР халқ артисти.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.
Р. 06638. Индекс 64543. Нашр. № 13.